

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент архитектура – қурилиш институти**

Қўлёзма асосида

Кариева Назокат Жуманазаровна

**Хива шаҳри Тўрт-Шаввоз мажмуаси меъморий
ёдгорликларини сақлаш ва фойдаланиш**

**Мутахассислик: 5А580102 – “Архитектура тарихи ва назарияси, архитектура
ёдгорликларини тиклаш”**

Архитектура магистри даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация “АТН” кафедрасида
кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди
№ ____ Баённома _____ 2015 й.
“Архитектура тарихи ва назарияси”
кафедраси мудири
проф.О.М.Салимов _____
” ____ “ _____ 2015й.

**Илмий раҳбар
проф. Салимов.О.М**

**Илмий маслаҳатчи
Рахмонов А.А**

Тошкент 2015

ТАСДИҚЛАЙМАН
“Архитектура тарихи ва назарияси”
кафедраси мудир
_____ проф. Салимов О.М
2015 йил “_____” _____

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР

Тошкент Архитектура – қурилиш институти ректори 2015 йил
«_____» _____ сон буйруғи билан тасдиқланган «Архитектура тарихи ва
назарияси» кафедраси бўйича _____

мавзусидаги магистрлик диссертацияси, илмий раҳбар

_____ бошчилигида

(илмий раҳбарнинг исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, илмий унвони)

_____ томонидан

(тингловчининг исми фамилияси)

тугалланган ҳолда 2015 йил «_____» _____ да _____

«Архитектура тарихи ва назарияси» кафедрасига дастлабки ҳимоя учун
тақдим этилиши керак.

Тадқиқот ишида _____

_____ фойдаланилади.

(амалий материаллар, нашрлар, ҳуқуқий ва меёрий ҳужжатлар, йўриқномалар ва ҳ.к)

Ишда _____

_____ бериш кўзда тутилади.

(фотосуратлар, лойиҳалар, чизмалар)

Ишда қуйидаги масалалар баён этилади:

1- _____

(номи)

2- _____

(номи)

3- _____

(номи)

(сана, ой, йил)

Илмий раҳбар _____
(исми, фамилияси, илмий даражаси ва унвони)

Тингловчи 2015й. «_____» _____ да топшириқни қабул қилди.

**Магистрлик диссертациясининг дастлабки нусхасини тугаллаш
мўлжали**

I-боб _____
(диссертациянинг дастлабки иш режаси бўйича I-боб номи ва уни тугаллаш муддати)

II-боб _____
(диссертациянинг дастлабки иш режаси бўйича II-боб номи ва уни тугаллаш муддати)

III-боб _____
(диссертациянинг дастлабки иш режаси бўйича III-боб номи ва уни тугаллаш муддати)

Диссертация «Архитектура тарихи ва назарияси» кафедрасида 2012 йил
«_____» _____ да дастлабки ҳимоядан ўтди.

Топшириқ берилди: _____
(магистрантнинг илмий раҳбари Ф.И.Ш., имзоси, сана)

Топшириқлар қабул қилинди: _____
(магистрантнинг Ф.И.Ш., имзоси, сана)

Мундарижа

Хива шаҳри Тўрт-Шаввоз мажмуаси меъморий ёдгорликларини сақлаш ва фойдаланиш

Кириш.....2

I-боб. Хива шаҳрининг шаклланиши ва шаҳарсозлик динамикаси

1.1. Милоддан олдинги IV асрлардан милодий XIII асрнинг биринчи чорагигача бўлган даврлар.....

1.2. XIII асрнинг иккинчи чорагидан - XVII асргача бўлган даврлар.....

1.3. XVIII-XX асрлар (шаҳристон ва рабод).....

I-боб бўйича хулосалар.....

II-боб. Дишан қалъа тарихий-меъморий ҳудудининг архитектуравий-фазовий тузилиши таҳлили

2.1. Дишан қалъанинг ҳудудий-маъмурий бўлиниши.....

2.2. Анъанавий турар жойлари.....

2.3. Меъморий ёдгорликлари.....

II-боб бўйича хулосалар.....

III-боб. Тўрт Шаввоз мажмуаси меъморий ёдгорликларини сақлаш ва фойдаланиш

3.1. Тўрт Шаввоз мажмуасининг шаклланиш босқичи.....

3.2. Мажмуанинг ҳозирги ҳолати таҳлили.....

3.3. Мажмуадаги меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш, замонавий функцияларга мослаштириш.....

3.4. Мажмуанинг туризм йўналиши ечими.....

III-боб бўйича хулосалар.....

Хотима: хулоса, тавсия, таклифлар.....

Иллюстрациялар.....

Фойдаланилган адабиётлар, архив материаллари рўйхати.....

АННОТАЦИЯ

«Хива шаҳри Тўрт-Шаввоз мажмуаси меъморий ёдгорликларини
сақлаш ва фойдаланиш» магистрлик диссертациясига

“Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси тингловчиси Кариева Назокат Жуманазаровна томонидан бажарилган.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги: Тўрт Шаввоз мажмуасининг меъморий аҳамиятга эга ёдгорликларидан ҳозирги кунда фойдаланилмаётганлиги учун меъморий қиёфасини ва аҳамиятини йўқотмоқда. Уни келажак авлодлар учун сақлаш, янги жиҳатда тиклаш зарурлиги танланган мавзунинг долзарблигини ифода этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Хиванинг шаҳарсозлик ривожланиши ва меъморчилигини чуқур ўрганган ҳолда, Дишан қалъанинг рабод сифатида пайдо бўлиши даврини, архитектуравий-фазовий тузилишини таҳлил қилиш, Тўрт Шаввоз мажмуасининг ривожланиш даврларини ҳам ўрганиш. Мажмуадаги ҳар битта ёдгорликни ўрганиб ва бузилган қисмларини тиклаш лойиҳасини ишлаб чиқиш. XX аср бошидаги композицион жиҳатларини очиб, тарихий зона ҳудудига тегишли иншоотларни бузмаган ҳолда мумкин қадар аввалги бадиийлигини тиклаш.

Тадқиқот объекти ва предмети: Мажмуада ҳозиргача сақланиб қолingan учта мадраса, қорихона, айвонли масжид, сардоба, ҳовуз, минора ва фақат пойдеворлари нотаниш мадраса.

Тадқиқотнинг назарий йўналиш асослари: Тадқиқот аввалги композицион сифатларга замонавий функция ва янги бадиий сифатларни қўшишни назарда тутади.

Диссертациянинг илмий янгиликлари:

1. Мажмуа бир даврнинг ўзида шаклланмаган, то мукамал мажмуа сифатида шакллангунига қадар бир неча босқичларни босиб ўтган.
2. Мажмуа XVII-XX асрлардаги анъанавий меъморий мактаб сифатларини ўзида мужассамлаштирган
3. Қадимий ва замонавий сифатларни қўшиш имконияти мавжуд.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти: Лойиҳавий таклиф беришдан иборат. Диссертациянинг I-бобида Хиванинг шаҳарсозлик ривожланиш динамикаси ёритиб ўтилган. II-бобида Дишан қалъа тарихий-меъморий ҳудудининг архитектуравий-фазовий тузилиши таҳлили баён этилган. Диссертациянинг III-бобида Тўрт Шаввоз мажмуасининг шаклланиш босқичи ва ҳозирги ҳолати таҳлили, меъморий ёдгорликларини сақлаш ва фойдаланиш, замонавий функцияларга мослаштириш ва амалиётда фойдаланиш бўйича лойиҳавий тавсия ва таклифлар берилган.

Кариева Назокат Жуманазаровна

(имзо)

КИРИШ.

“Ўзбек давлатчилиги тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган”.

Ислом Каримов

Халқимиз учун асрлар давомида орзу қилиб келинган мустақилликнинг қўлга киритилиши буюк тарихий воқеа бўлди. Республикамизнинг мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш талаблари, уни ижтимоий-сиёсий, тарихий, маданий жиҳатдан изчил ва барқарор тараққиётини таъминлаш вазифалари бу жараённинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимизнинг умумий маданияти, меъморий бой меросини юксалтириш масалаларини ҳал этишни кун тартибига қўйди. Чунки жамият ҳаётида халқ маданий даражасининг юксаклиги, халқимизнинг ўз тарихини чуқур ўрганиши йўлида маънавий камолотнинг аҳамияти бебаҳодир.

“Бизнинг маданиятимиз, - деган эди И.А.Каримов, - бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий эмас”.

Истиқлол туфайли халқимиз миллий ғурурининг камчитилишига чек қўйилиб, асрлар давомида тўпланиб, сайқал бой маданиятимиз хазиналарини, маънавий, тарихий, меъморий, адабий меросимиз дурдоналарини тўла ва ҳолисона ўрганишга йўл очилди.

Меъморий маданият ҳар бир даврда ўз тарбиявий функциясини бажариш билан жамият маънавий камолотини юксалтиришга хизмат қилган. Бой ва серқирра тарихий, меъморий маданиятимиз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш табиийки, кўп вақт куч-ғайратни, меъморчилик соҳасида фаолият кўрсатаётган барча зиёлилардан фидоийлик ҳамда касбга садоқатни талаб этади. Жамиятнинг маънавий юксалиши, юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, шунчаки навбатдаги вазифа бўлиб қолмай давлатимиз маънавий қудратини оширишнинг асосий шартларидан биридир.

Ватанимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий, устувор йўналишлари таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислох қилиш, ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлашга қаратилган.

Зеро, маънавият ва маърифатни ривожлантирмасдан мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиб ўлмайди. Бу борада инсоннинг маънавий дунёсини, фикр - қарашлар тизимини, руҳиятини ўзгартириш кўп йиллик тинимсиз изланишлар ва меҳнатни талаб этади.

Зеро, мустақил диёримиз фуқаролари ҳаётини фаровон қилиш, қисман меъморлар зиммасида экан, обод келажак пойдевори мустаҳкам бўлиши учун, ўтмишда қурилган меъморий меросни таъмирлаб асраш эл олдидаги олий бурчдир.

Маълумки, Собиқ Иттифоқ даврида Марказий Осиё мамлакатларида, жумладан Ўзбекистондаги меъморий обидалар ҳақида ёзилган илмий тадқиқотлар, рисола ва монографиялар мазмунини келтириб, бир томонлама ёритилган маълумотлар билан чегараланган эди. Табиийки, мафкуравий тазйиқ остида олиб борилган ҳар қандай илмий изланиш натижаси ҳамма вақт ҳам самара бермаслиги тараққиёт қонуниятидир.

Зеро, ўтмиш аجدодларимизнинг порлоқ сиймосини ёдга солувчи асарларга нисбатан бетакаллуф муносабат, уларга атаб қурилган мақбараларнинг ярим ҳаробага айланиши жамият инқирозини тезлаштирган иллатлардан бири бўлган.

Шундай экан, Иттифоқ даврида йўл қўйилган хатолардан танқидий ҳулоса чиқарган ҳолда инсонларга ўзлигини англашга имкон бериши керак. Яъни, материализм, идеализм каби тушунчаларни бир-бирига кескин таққосламасдан, танлаш эрки ҳавола этилиши лозим.

Айни шу муаммони назарда тутган давлатимиз тарихий шаҳарларни ва улардаги мавжуд меъморий ёдгорликларни ҳимоя остига олган.

Тадқиқод мавзусининг долзарблиги ҳақида шуни айтиш мумкинки, И.А.Каримовнинг шаҳарсозлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган ҳулосалардан келиб чиқиб, аجدодларимиз меросига, қадриятларимизга мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан катта аҳамият берилиши, қадим ёдгорликларни тиклаш, таъмирлаш ва уларни келгуси авлодларга етказиб бериш бизнинг юксак бурчимиз. XVII-XIX асрлардаги Хиванинг бой меъморий анъаналари ва услубларини ўзида мужассамлаштирган ва фазовий-композицион уйғунлашган Тўрт Шаввоз мажмуаси ҳудудининг шиддат билан ансамбллигини йўқотиши, мавжуд бинолардан ҳозирги кунда фойдаланилмаётганлиги учун ўз қиёфасини йўқотмоқда. Бу мажмуавийликни тезроқ қайтариш зарурлиги мавзунинг долзарблигидир.

Биз меъморларнинг долзарб вазифамиз маънавият сари, аниқроғи ислом қадриятларини англашга ҳаракат қилаётган фуқароларимиз учун меъморий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш, улардан фойдаланган ҳолда умрини узайтириш ва келажак авлодларимиз учун сақлаш, музейлар бисотини бойитишдан иборатдир.

Муаммони ишлаб чиқиши даражасига келсак, мавзуга тегишли бўлган архив материаллари, фотофиксация материаллари, ҳар бир даврга

тегишли хариталар, библиографик маълумотларни ва адабиётларни ўрганиб, улар асосида янги таклиф ва мулоҳазаларга эришиш мумкин.

Мазкур мавзунини ишлаб чиқишда қуйидаги мавзулар бўйича бажарилган **илмий - тадқиқот ва лойиҳа ишларининг натижалари** ва **адабиётлардан** фойдаланилган:

- Тарихий зонани деталли режалаштириш лойиҳасини асослаш учун Дишан қалъанинг пайдо бўлиш тарихини тадқиқ қилиш (мавзу раҳбари И.И.Ноткин, ТашЗНИЭП, 1970 й.);

- Дишан қалъадаги яшаш уйлари тадқиқ қилиш жараёнида олиб борилган ўлчаш ишлари (архитекторлар Л.Т.Петушков, В.А.Голиков, Я.А.Афанасьевлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари, СНРПМ, 1970 й.);

- Ўзбекистондаги тарихий тарзда таркиб топган шаҳарлардаги турар-жой объектларини реконструкция қилиш бўйича методик тавсиялар (УзНИИП шаҳарсозлик 1977 й.);

- Хива шаҳри марказининг деталли планлаштириш лойиҳаси (муаллифлар – А.Александрович, Казанская, УзНИИП шаҳарсозлик 1983 й.);

Адабиётлар:

- Л.Маньковская, В.Булатова, Памятники зодчества Хорезма. Т., 1978 й;
- Худойберганов К. Хива хонлари тарихи. – Урганч 2008 й;
- Абдурасулов А. Хива. Тарихий этнографик очерклар. – Т.: Ўзбекистон. 1997 й;

- Гулямов Я. Хива шаҳри ёдгорликлари. 1941 й.

- Салимов О.М. Тарихий шаҳар марказларини қайта тиклаш асослари. Тошкент 2010 й.

- Пулатов Х.Ш. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш. Тошкент 2009 й.

- Турдиев А.А. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш. Маърузалар матни. Тошкент 2006 й.

Мавзунини ишлаб чиқишда қуйидагилар инобатга олинган:

- Хива шаҳрининг бош режаси (муаллиф А.Александрович, Казанская, УзНИИП шаҳарсозлик, 1978 й).

- Ичан-қалъа меъморий қўриқхонаси ҳудудининг реконструкцияси ва кўкаламзорлаштирилиш бош режаси УзНИИП реставрацияси 1978 й. Тарихий ва маданий ёдгорликларга эга бўлган шаҳарларни режалаштириш ва қуриш бўйича қўлланма. Москва 1980 й.

- Шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш бўйича лойиҳа ҳамда схемаларни ишлаб чиқиш, келишилган ҳолда

кўриб чиқиш ва тасдиқлаш таркиби ва тартиби ҳақида инструкция. ВСН. 38-82. Москва 1984 й.

- Тарихий тарзда таркиб топган шаҳарларнинг реконструкциясига оид саволлар. (илмий-техник тадқиқотлар маркази – ИТТМ). Москва 1975 й.

- Бино ва иншоотларни реконструкция қилишда архитектуравий ёдгорликларни ҳисобга олиш, 1974 й.

- Мамбетуллаев М.М., Ягодин В.Н. Қадимги Хива маданий қатламининг тарихий ривожланиш жараёнини баҳолаш//Общественные науки в Узбекистане. 1986., №8, стр.43-51.

Диссертациянинг мақсад ва вазифаларига келсак, қуйидагиларни айтиш мумкин. Диссертациянинг мақсади шундан иборатки, мажмуани шаҳарсозлик нуқтаи назардан ўрганиб, тарихий ривожланиш босқичларини тадқиқот қилган ҳолда дастлабки ҳолатида тиклаш ва ундан фойдаланиш лойиҳасини ишлаб чиқиш, замонавий меъморчилик иншоотлари билан уйғунлигига эришиш. Шунингдек, биринчи бобида Хиванинг шаҳарсозлик ривожланиш динамикаси ўрганилиб, таҳлил қилиб ўтилади, чунки мавжуд меъморий ёдгорликларни шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ўрганиб таҳлил қилинсагина тарихий – меъморий қийматини тўла очиб беришга эришилади.

Комплекс тадқиқ қилиш учун тарихий зона қурилишининг ҳозирги пайтдаги ҳолатини ўрганиш юзасидан олиб борилган тўлиқ натуравий тадқиқот ва изланишларнинг натижалари, архив маълумотлари, адабиётлар ва илгари бажарилган лойиҳа материаллари ҳамда мавжуд бинолар ва объектларнинг пухта бажарилган фотофиксацияси, уларни фазовий кўра билиш жиҳатидан асос қилиниб олинади.

Диссертациянинг вазифасига эса қуйидагилар киради: мажмуа тўғрисидаги барча маълумотларни ўрганиб, жамлаб, мажмуадан фойдаланишнинг лойиҳавий таклифларини бериш.

Тадқиқот объекти: Тўрт Шаввоз мажмуасига кирувчи мажмуа таркибида сақланиб қолган ёдгорликлари: Тиллабой мадрасаси, Исфандиёрхон мадрасаси, Худойберган карвонбоши мадрасаси, қишки ва ёзги айвонли масжид, гумбазли тахоратхона, сардоба, минора ва ҳовуз. Нотаниш мадрасанинг сақланиб қолган пойдеворлари.

Тадқиқот предмети: Тўрт Шаввоз мажмуаси, унинг композицион боғлиқликлари.

Тадқиқотнинг илмий-назарий янгилиги шундан иборатки, мажмуа ҳақидаги тарихий маълумотларни жамлаб, янги замонавий усул билан, янги материаллар билан таъмирлаш ишларини қўлланилиши, ҳамда мажмуада жойлашган тарихий ёдгорликларни: Тиллабой мадрасаси, Исфандиёрхон мадрасаси, Худойберган карвонбоши мадрасаси, қишки ва ёзги айвонли

масжид, гумбазли тахоратхона ёдгорликларини сақлаш, уларни янги функцияларга мослаштириш ва фойдаланиш, туристик ечимини лойиҳалаш, шаҳарсозлик нуқтаи назаридан замонавий иншоотлар билан уйғунлигига эришиш, уларни кўкаламзорлаштириш, ландшафт нуқтаи назаридан уйғунлигига эришиш.

Диссертациянинг илмий-амалий аҳамияти шундан иборатки, унда таъмирлаш ва қайта қуриш ишлари бўйича амалий таклифлар берилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг меъморчиликка эътибор кучайди. Шаҳарлар қурилишига, поселкалар, янги кўчалар, кўприклар қурилишига эътибор берилди. Президентимиз томонидан аждодларимиз осори атиқаларига катта эътибор берилди. Ташландиқ бўлиб ётган ёдгорликлар давлат муҳофазасига олинди. Ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилиб, ташландиқ бўлиб ётган ёдгорликлар таъмирланиб дастлабки ҳолатига келтирилиб, уларни функцияси тикланаяпти. Ҳукуматимиз томонидан қадимги ёдгорликларга бўлган муносабат чет элликлар эътиборини ҳам ўзига тортади. Туристлар ҳам қадим ёдгорликларни кўриб, уларни таъмиридан ҳайратланиб, катта таассуротлар билан қайтадилар.

I-боб. Хива шаҳрининг шаклланиши ва шаҳарнинг ривожланиш динамикаси

Хива – Хоразм вилоятининг замонавий туман маркази бўлиб, у ўтмишда Хива хонлигининг пойтахти бўлган. Бу шаҳар ўрта асрлар шаҳарсозлиги ва Ўрта Осиёнинг буюк архитектуравий меъморлигини ўзида намоён этади. Хива шаҳрининг ёшини аниқлашга оид бўлган савол ҳозирги кунда ўзининг тўлиқ конкрет жавобига эга эмас.

Ўтказилган археологик-топографик тадқиқотлар ва қавлаб олинган материаллар (керамика, сопол)га асосан Я.Ғ.Ғуломовнинг билдирган фикрига кўра шаҳар эрамизнинг I-IV асрларида вужудга келган. (Гулямов Я.Ғ. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. - Т., 1957, стр.143)

Г.А.Пугаченкова археологик маълумотларга асосланиб шаҳарнинг пайдо бўлишини эрамизнинг биринчи асрига тўғри келишини айтган. (Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Т., 1958, стр. 155)

В.А.Булатов томонидан 1956-1960 йилларда олиб борилган археологик қидирувлар натижасига кўра “... Хива шаҳри X асрда ташкил топган, чунки X-XIII асрларга мансуб бўлган маданий топилма қолдиқлари бевосита тоза кумда ётганлиги аниқланган” деган маълумотларга эга бўламиз. (Маньковская Л.Ю., Булатова В.А. Памятники зодчества Хивы.- Т., 1978, стр.33)

Археолог З.С.Нюкина ҳам В.А.Булатованинг фикрини маъқуллайди. Шунини айтиш жоизки, юқорида номлари тилга олинган олимларининг фикр мулоҳазалари локал археологик топилмаларга асослангандир.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон филиали археология бўлими мутахассислари – Н.Ю.Юсупов, М.М.Мамбетуллаев, В.Н.Ягодинлар томонидан ўтказилган археологик тадқиқотлар маълум бир вақт мобайнида етарли даражада катта бўлган майдонларда олиб борилди, маданий қатламлар Хива давлат тарихий-архитектуравий қўриқхонасини ва Ичан-қалъа деворларини ўрганиш ва уларга жуда муҳим хулосалар чиқариш имконини берди, бу хулосаларга кўра “... Хива шаҳри бизнинг милодимизгача бўлган VI аср бошларида стихияли равишда ташкил топган структура сифатида вужудга келган бўлиб, у ягона марказ шаклида ягона тарҳ бўйича қурилганлигини тасдиқлайди, чунки милодий IV асрда шаҳар деворлари аҳоли турар-жойларини қуршаб олган” деган фикрни илгари сурганлар. (Мамбетуллаев М.М., Ягодин В.Н. К оценки хронологии и

исторической динамики культурного слоя древней Хивы//Общественные науки в Узбекистане. 1986., №8, стр.43-51.)

Шунга қарамасдан, X-XIX асрларда яшаб ўтган тарихчи ва географ олимлар (Истархий, Муқаддасий, Якут-ал-Ҳамавий) томонидан ёзиб қолдирилган ёзма маълумотлар таҳлил қилинганда шаҳарнинг вужудга келиши тўғрисида бир қатор зиддиятли маълумотларга дуч келинган.

XVIII-XIX асрларда Хивага ташриф буюрган кўп сонли сайёҳлар, элчилар, ҳарбийларнинг ёзма маълумотлари, ҳисоботлари, кундаликлари ҳеч шубҳасиз катта, бебаҳо илмий манба сифатида хизмат қилади, бу материаллар асосан Хива хонлигининг бош шаҳарлари ва аҳоли турар-жойлари ҳамда Хива шаҳрига оид бўлган ҳарбий характердаги маълумотларни ўз ичига олган. Биз учун ёзма маълумотлар ва ҳисоботларни тўлдирувчи хариталар катта аҳамият касб этади. Уларнинг ичидан Гладишев-Муравин, Назимов (1740-1741 й.й.), Муравьев (1819–1820й.й.), Данилевский (1842 й) раҳбарлигида уюштирилган экспедицияларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Кейинги йилларда Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарлари ва шу жумладан Хива шаҳрининг ҳам тарихий шаҳарсозлик асосларини ўрганишга бағишланган қатор фундаментал тадқиқотлар ва илмий мақолалар юзага келди. Шулар жумласига А.М.Белинский, И.Б.Бентович, О.Г.Большаковларнинг “Ўрта Осиёда ўрта асрлардаги шаҳар”, И.И.Ноткиннинг “Ўзбекистон тарихий ривожланган шаҳарларининг архитектуравий-фазовий шаклланиши”, “Ўрта Осиё шаҳарларининг ривожланиш динамикаси”, “Хиванинг шаҳарсозлик ривожланиш динамикаси” каби мақолаларини таҳлил қилиб ўрганган ҳолда шаҳарсозликнинг умумий маълумотлари юзага келади.

Мақолалар: А.М.Белинский, И.Б.Бентович, О.Г.Большаковларнинг “Средневековый город Средней Азии” Л.1973., Ноткин И.И. Архитектурно-пространственное формообразование исторически сложившихся городов Узбекистана. М.1981., Ноткин И.И. Динамика развития городов Средней Азии//Проблемы расселения и пути совершенствования застройки городов Узбекистана. Т. 1982., Ноткин И.И. Динамика градостроительного развития Хивы//Архитектура и строительство Узбекистана. 1983. №10)

Археологик тадқиқотлар, тарихий-библиографик изланишлар ва натуравий кузатишлар натижасида олинган материалларни танқидий таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон филиали археологлари томонидан Хиванинг шаҳарсозлик ривожланиш динамикасининг қуйидаги жараёни тафсилоти тақлиф этилади. Ушбу жараёнлар 13 та ривожланиш босқичларига ажратилган. (Обследование

историко-архитектурной застройки территории «Дишан-Кала» в г.Хива. – архив ГлавНПУ. Т. 1987. Том II)

Х.Ш. Пўлатов бўйича архитектуравий ёдгорликларнинг пайдо бўлиш вақтларини (қадимдан то XX аср иккинчи чорагигача бўлган замонни) олти та йирик даврга ажратилади. Булар: энг қадимги давр (милoddан аввалги VI асргача бўлган вақт), қадимги давр (милoddан аввалги VI асрдан милodий VI асргача), илк ўрта асрлар (VI – XIII аср 1 – ўн йиллиги), ўрта асрлар (XIII аср 2 – ўн йиллиги - XVII асрлар), XVIII - XIX аср ўртаси ҳамда XIX аср охири - XX аср бошларидаги даврлардир. (Пўлатов Х.Ш. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари)

Хива мукаммал тарҳ асосида даврлар мобайнида битта жойнинг ўзида ривожланиб келган. Ўзбекистоннинг бошқа тарихий шаҳарлари каби бой тарихий ўтмишга эга, нодир ёдгорликларини асрлар оша бус-бутун ҳолда бизга етказиб кўз-кўз қилаётган азим шаҳар. Унинг шаҳарсозлик ривожланиш, бой тарихи ва меъморчилигини узoқ йиллар ўрганиб келган тадқиқотчиларнинг ишларини таҳлил қилган ҳолда шаҳарнинг шаклланиши ва шаҳарсозлик динамикаси диссертациянинг биринчи бобида ўрганилади ва у қуйидаги кўринишга эга:

- биринчи бўлимда - энг қадимги давр - эрамиздан олдинги IV-I асрлардан илк ўрта асрлар - XIII асрнинг 1-нчи чорагигача бўлган даврлар, юқорида кўрсатилган 13 та ривожланиш босқичининг 1-6 нчи босқичларида кўриб чиқилади ва Хиванинг шаҳар сифатида пайдо бўлишидан тортиб: энг қадимги давр, қадимги давр, илк ўрта асрлар (араблар истилосигача) бўлган даврлар шаҳарсозлиги баён қилинади;

- иккинчи бўлимда - XIII асрнинг иккинчи чораги, шунингдек ўрта асрларни ўз ичига олиб, XVII асргача бўлган даврлар шаҳарсозлик ривожланиш сифатлари очиб берилади. Унда археологлар томонидан юқорида келтирилган 13 та ривожланиш босқичининг 7-9 гача бўлган ривожланиш босқичларида ўрганилади;

- учинчи бўлимда - XVIII-XX асрларнинг шаҳарсозлик ривожланиши ўрганилиб, 10-13 ривожланиш босқичларини ўз ичига олади ва шаҳарсозлик ҳамда архитектуранинг ўзига хос хусусиятлари фактлар асосида таҳлил қилинади.

1.1. Милоддан олдинги IV асрлардан милодий XIII асрларгача бўлган даврлар

I ривожланиш босқичи (милоддан олдинги IV-I асрлар)

Хоразмнинг қадимий ва ўрта асрлар шаҳарсозлиги тарихи китобида ёзилишича Хива шаҳри афсоналарга қараганда Исо алайҳиссалом таваллудидан уч юз йил олдин ҳам мавжуд бўлган ва милоддан олдинги IV асрда шаҳар маълум давр ривожланган. Аммо у даврга оид шаҳар қуйи қатламларда қолиб кетган. (Мадаминов М. Хоразмнинг қадимий ва ўрта асрлар шаҳарсозлиги тарихи. – Ташкент, “Истиклол”, 2009, 32-бет)

Милоддан олдинги I-IV асрлар бошларида Хоразмда ўзига хос урбанизацион портлаш рўй берган. Ўнлаб аҳоли яшаш жойлари пайдо бўлган, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон филиали археолог-олимлари уларни шаҳарлар ташкил топиши деб киритганлар.

Археологларнинг фикрларига кўра бу даврда Хоразм ахамонлар ҳукмронлигидан озод бўлган, кейинчалик бу ерда мустақил давлат - шаҳар ягона марказ сифатида ва ягона режа асосида қурилган ва шаклланган. Аҳоли яшаш жойлари бизнинг эрамизгача IV асрда девор билан қуршаб олинган. (Мамбетуллаев М.М., Ягодин В.Н. К оценки хронологии и исторической динамики культурного слоя древней Хивы // Общественные науки в Узбекистане. 1986., №8, стр.47-48)

II ривожланиш босқичи (милодий I-IV асрлар)

Маданий қатламларни ўрганишда қўлга киритилган ашёвий материаллар (Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон филиали археологлари қабул қилган схема бўйича) эрамизнинг I-IV асрларидан II-қурилиш даврини ажратиш кўрсатиш имконини берди. Бу даврда С.П.Толстовнинг фикрича хиванинг шаҳар деворлари ташқи томондан хом ғиштлардан баланд ва бақувват қилиб тикланган. Деворга бириктирилган миноралар камералари ҳам хом ғишдан бўлган. Бунда ҳосил қилинган мустаҳкам цокол девор бузувчи қурилмалар таъсирига қарши ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шунга ўхшаш мустаҳкам қўрғон қурилишлари Хоразмнинг бошқа қалъа ва қўрғонларида ҳам жумладан Хивадаги Тупроққалъа (Лапииров – Скоблов М.С. Новейший памятник фортификации и древнего Хорезма // Археологические открытия 1968 года. М., 1969. стр.414), Шовот Тупроққалъаси ва Султонниёз Говурқалъасида (Рапопорт Ю.А., Трудновская С.А. Городище Гаур-кала // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. – Т., 2.М., 1958. Стр.178-181) ҳам учрайди.

III ривожланиш босқичи(милодий IV-VI асрлар)

Бу даврларда Хоразм ерлари кушон империяси қармоғида бўлган шу жумладан Хива ерлари ҳам. Исо Жабборовнинг ёзишича Хоразмда кушонлар билан кураш ва ички сиёсий ларзалар қудратли маҳаллий сулолани вужудга келтиради. Бу сулола ўз тангаларини зарб қилади ва шаҳарларда ўзларига саройлар қуради, қўшни кучли давлатларда бўлаётган ларзалардан фойдаланиб бутун дунёга ҳукмрон бўлишга даъво қила бошлайди. Хоразм мустақиллиги VIII асрнинг охириларигача давом этади. (Жабборов И. Кўхна харобалар сири. – Т., Ўзбекистон 1968., 122-бет) Археологик тадқиқотларга кўра Хиванинг шаҳарсозлик ривожи бу даврга келиб тўхтаб қолган ва эгаллаган майдони кучли қисқартирилишига сабаб бўлган.

IV ривожланиш босқичи(милодий VI-VIII асрлар)

Археологлар томонидан Хива эраизмининг илк ўрта VI-VII асрларида яна тикланганлиги аниқланган. VII асрнинг иккинчи ярми ва VIII асрларда Маворауннахрни (Ўрта Осиёнинг икки дарё - Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерлар) араблар босиб олади ва халқнинг арабларга қарши кураши оқибатида қурилишлар вайронагарчиликка айланади.

V ривожланиш босқичи(милодий IX-XI асрлар)

Бу даврларда Хива ҳолати тўғрисида анча кам маълумотлар тўпланган. Археологлар фақат Кўхна аркнинг шимолий-ғарбий бурчагида қавланган маданий қатламни ўрганганлар. Бироқ араб географлари Абу Исҳоқ Ибрагим Истархи (Материалы по истории туркмен и Туркмении. – М., 2.М., 1958. Стр.354) ва Шамсиддин Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Муқаддасий (Мамбетуллаев М.М., Ягодин В.Н. К оценки хронологии и исторической динамики культурного слоя древней Хивы // Общественные науки в Узбекистане. 1986., №8, стр.50) ёзма манбаларига кўра Хива Хоразмнинг катта канал соҳилидаги улар ҳисобга олган учта шаҳар сирасига кирган. Масжидига эга, кўкаламзорлаштирилган чўл четидаги шаҳар кўринишида бўлган. Археологларнинг фикрича, "... ўша даврда шаҳар ҳозирги шаҳристон (Ичан қалъа) ҳудудидан анча камроқ ҳудудга эга бўлган". (Мамбетуллаев М.М., Ягодин В.Н. К оценки хронологии и исторической динамики культурного слоя древней Хивы//Общественные науки в Узбекистане. 1986., №8)

VI ривожланиш босқичи(милодий XI-XIII асрнинг биринчи чорағи)

XI-XII асрларда ҳам шаҳар ҳаёти анча чегараланган масштабларда давом этган. Шаҳарнинг янгидан гуллаб-ғуркираши Хоразмшоҳлар даврида яъни

ХII-ХIII асрнинг бошларида рўй берган. Археологик маълумотлар бу даврда Ичан қалъадаги Кўхна Арк, Уч-авлиё, Қирқ-ўғлон ҳудудлари жадал ривож топганлигидан далолат беради. Шаҳар энига қараб ўсган, Ичан қалъа чегарасидан ташқарида янги аҳоли яшаш жойлари вужудга келган. Хоразмшоҳлар даврига мансуб бўлган археологик материаллар Ичан қалъанинг ғарбида Дишан қалъанинг шимолий-ғарбий томонида (ҳозирда мавжуд бўлган “Хоразм” меҳмонхонаси жойлашган ҳудудда) жойлашган Шох Қаландар мажмуаси территорияси қазилмаларидан топилган.

Ҳеч шубҳасиз Хива шаҳри гуллаб-яшнаган шаҳарлар қаторига кирган, бу ҳақда араб сайёҳлари Ҳамавий ва бошқалар ўз таассуротларини ёзиб қолдиришган.

1.2. ХIII асрнинг иккинчи чорагидан - ХVII асргача бўлган даврлар

VII ривожланиш босқичи (ХIII асрнинг иккинчи чораги - ХIV асрлар)

1221 йилда Кўхна Урганч каби Хоразмнинг бошқа шаҳарлари ҳам Чингизхон босқинчилиги остида қолади.

ХIII асрнинг иккинчи чорагида шаҳар деворлари ҳам Хива шаҳри каби кучсизлана бошлаган. Қалъа деворлари бўйлаб хом гиштлардан энсиз терилган кўп сонли қабрлар пайдо бўлган (Мамбетуллаев М.М., Ягодин В.Н. **К оценки хронологии и исторической динамики культурного слоя древней Хивы // Общественные науки в Узбекистане. 1986., №8.**)

ХIII-ХIV асрларда Ичан қалъа территорияси антик шаҳар доираси чегарасида бутунлай шаклланади.

ХIV аср охирида Хоразм Темур юришларини бошидан кечирди. Хоразмнинг пойтахти Урганч (Ҳозирги Кўхна Урганч) ва бошқа қатор шаҳарлар харобага айланди. Эҳтимол шу даврда Урганчнинг қандайдир даражада вайронага айланиши, баъзи бир мутахассисларнинг фикрига кўра Хиванинг жадал ривожланишига туртки бўлган.

Хиванинг ХIII-ХI асрлардаги иқтисодий ва маданий ҳаёти топографик жиҳатдан аввалгидек Полвон Дарвоза, Оқ-масжид, Кўхна Арк ва Уч-авлиё ҳудудлари атрофлари шаклланган.

VIII ривожланиш босқичи (ХIV-ХV асрлар)

Сайёҳларнинг гувоҳлик беришича, бой савдо шаҳарлари ўзининг осойишта даврини яшаб бўлиб, мўғуллар томонидан ер билан яқсон этилган, гуркираб турган воҳа хувиллаб қолган.

Бироқ орадан юз йил ўтгач араб сайёҳи Ибн Батута улуғвор, барқ уриб турган Урганч шаҳрини ўз кўзи билан кўргани ҳақида ёзади. Олтин Ўрда хонлиги даврида янги қалъалар, карвонсаройлар ва шаҳар атрофидаги турар-жойлар анча жадаллик билан қурилган. Хонлик ташкил топиши арафасида Хива шаҳри йирик маъмурий, ҳунармандлик ва савдо марказига айланган эди, шу боис у Хива хонлиги пойтахти бўлиб қолди. Шунингдек XIV асрларда Саид Аловиддин, Паҳлавон Маҳмуднинг даставвалги мақбараси, Абдал-бобо ва Шайх Қаландар-бобо мақбаралари ҳудудлари атрофлари шаклланди. Бу пайтдаги Хивада қурилган ва бизгача етиб келган ягона иншоот шайх Саид Аловуддин (1303 йил) мақбарасидир.

IX ривожланиш босқичи (XVI-XVII асрлар)

Хива XVI асрнинг иккинчи ярмида давлат пойтахтига айланади ва Араб Муҳаммадхон давридан бошлаб хива хонлиги номини олади. Бу ҳақда академик Я.Ғуломов – “1556 йилда Дўстхон Бўғчахон ўғли Хива шаҳрини ўзининг пойтахти қилди” (Ғулямов Я. Памятники г.Хивы. – Т.: УзФАН. 1941. – 4с.) – деб ёзади. Яна бир асарида эса – “Араб Муҳаммадхон даврида Хоразмнинг марказини Хива шаҳрига кўчирганлар, шу даврдан бошлаб хонлик Хива хонлиги номини олди” (Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. 207 б.) – деб кўрсатади.

Хонликни иктисодий ҳаётида суғоришга асосланган деҳқончилик муҳим аҳамиятга эга бўлган. XVI аср ўрталарида Янгиариқ ва Тошли Ёрмиш, 1602 йилда Араб Муҳаммад, XVII асрнинг 60-80 йилларида Шохобод ва Ёрмиш каналлари, кейинроқ Газобод, 1815 йилда Қилич Ниёзбой каналлари қурилиб янги ерлар ўзлаштирилган. Хонликда сув манбалари етарли бўлсада, деҳқончилик тарққиёти Бухоро хонлигидан паст даражада ривожланган. Хива хонлиги суғориш маданияти буйича 2 қисмдан:

- 1) сув бўйи яъни Амударёдан суғориладиган ерлар.
- 2) тоғ бўйи яъни Копеттоғ этакларидаги ерлар.

Амударёнинг энг кадимги дельтаси бўлган Сариқамиш кўлига қуйиладиган Дарёликни суви камайиб ва ўз ўзакини ўзгартириши Хоразм ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Натижада Вазир (XV аср ўрталаридаги пойтахти), XVII асрларда Кўхна Урганч шаҳарлари сувсиз қолиб, пойтахтни Хивага кўчиришганлар.

Хоразм шу жумладан, Хива тарихини жуда яхши ўрганган тарихчи Комилжон Худойбергановнинг “Хива хонлари тарихи” номли китобида ёзилишича XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Москва давлатининг ривожланиши савдонинг жонланишига ва Хиванинг Москва билан дипломатик алоқа ўрнатишига олиб келади ва 1557 йилдаёқ Астраханга

Урганчдан меҳмонлар ҳар-хил моллар олиб келинганлиги ҳақида ёзади.
(Худойберганов К. Хива хонлари тарихи. – Урганч 2008. – 15 б.)

Ҳокимият алмашинувидаги “хонлар алмашинуви”, “хонбози” каби ўйинлар нафақат Хива ҳаётида балки бутун Хоразм ҳаётида ўз аксини кўрсатади. Мамлакатда иқтисодий ва сиёсий аҳвол турғун бўлмаган.

1740 йилда хонлик пойтахти Хивани Нодиршоҳ бошчилигидаги эрон кўшинлари томонидан босиб олинishi мамлакатнинг парчаланишига олиб келди. Нодиршоҳ Хивани вайронага айлантиришидан олдин назоратчи инженер Назимов шаҳарнинг кўринишини харитага тушириб улгурган.
(Худойберганов К. Хива хонлари тарихи. – Урганч 2008. – 15 б.) Ўша даврда шаҳар ҳудуди сезиларли даражада қисқарганлиги ва кўрғон деворлари билан ўраб олинганлиги тўғрисида у тузган харита гувоҳлик беради. Бу харита Хива шаҳри қурилиши тарихи билан қизиққан бир неча олимлар диққатини жалб қилган. Тарихчи А.Абдурасулов шундай ёзади: - “Режага асосан шаҳарнинг бўйи минг метр, эни 400 метр бўлиб, у 40 гектар майдонни эгаллаган. Бу план Хоразм антик шаҳарларига ўхшаб кетади. Шаҳарнинг бутун тевараги сувли ҳандақ билан ўралган. Шаҳарга шарқий томондан маҳсус кўприк орқали кириш мумкин бўлган. Кўприк кесалари кўтариб кўйилган. Шаҳарнинг ғарбий қисмида хон саройи жойлашган. Кўприк ёнидан дарвозадан бошланган катта кўча тўппа тўғри Арк дарвозасига келиб тақалган. Арк шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган”. (Абдурасулов А. Хива. Тарихий этнографик очерklar. – Т.: Ўзбекистон. 1997. – 216.)

Назимов харитаси ҳақида Хива архитектураси билан узоқ йиллар шуғулланган олим И.И.Ноткин бундай ёзади: - “хотира асосида чизилган дейиш мумкин бўлган бу хаританинг ишончлилиги шундаки, қароргоҳ ҳозир ҳам “Назимов” ҳолатида сақланган. Харита ўлчамлари мутаносиблигига ва асосан унинг умумий кўринишига таянган ҳолда, саржиндаги ўлчамлар хато бўлиши мумкинлигини эътиборга олиб, қароргоҳнинг ҳозирги қароргоҳ узунлигига тенглиги учун, биз шаҳарнинг кириш дарвозаси у вақтда Тошҳовли саройининг (1832-1838 йй.) жанубий-шарқий бурчаги атрофида бўлган деган хулосага келамиз”. (Ноткин И.И. Динамика градостроительного развития Хивы. // Архитектура и строительство Узбекистана. 1983. №10. – 10 с.)

Харитага асосланиб айтиш мумкинки катта мустаҳкамлаш ишлари Кўхна Аркда олиб борилган (1686-1688 йй.). Шунингдек шимолий ва жанубий қисмларда шаҳарни икки қисмга ажратувчи иккита асосий кўчаси бўлган. **Кўчанинг жанубий томонида**

1.3. XVIII - XX асрлар (шаҳристон ва рабод)

Х р и в о ж л а н и ш б о с қ и ч и (XVIII-XIX асрлар)

XVIII асрда ўлка ва шаҳар ҳаётида кескин бурилиш рўй бера бошлади. Қўнғиротликлар сулоласи асосчиси Муҳаммад Амин иноқ ҳокимиятни ўз қўлига олади ва у бутун Хоразмни бирлаштириш учун кураша бошлади. Муҳаммад Амин Иноқ тўғрисида Шажарайи Хоразмшоҳий китобида шундай ёзилган: “аксари авқотни (вақтларини) иморат ва ҳайротга (яхшиликлар, хайр-саҳоватлар) сарф этар эрди. Ондоғким, сана ҳижрия минг икки юзда (1786) Хивақ қалъасиниким Нодиршоҳ келганидан хароб бўлиб эрди, тозадин маъмур ва обод этди. Ва мундин бошқа иморатлар ҳам бино қилди. Ул жумладин мадрасаи Иноқиядур – ким маъмани (омонлик жойи, тинч жой) уламо ва маскани фузалодур”. (Шажарайи Хоразмшоҳий. – В.976.)

К.Худойбергановнинг Хива хонлари тарихи китобида Муҳаммад Амин Иноқ Хива қўрғони қалъа деворини қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш ишларини олиб борганлиги тўғрисида ёзилган. (Худойберганов К. Хива хонлари тарихи. – Урганч 2008. – 26 б.)

Муҳаммад Амин Иноқ тахтни қўлга олгунча анча вақт Хивада туркман-ёвмут феодаллари ҳукмронлик қилдилар. Ёвмутлар ва маҳаллий феодаллар ўртасида давом этган тахт учун курашда мамлакат вайронага айланади. Ҳақиқий аҳволни Мунис шундай ёзади: “Аксари кулоҳ (қалъалар) ва билод (шаҳарлар) хароб бўлиб, кентлар ва мазраълар беша ва чангалистон ва кулот ерлар нойистон бўлди. Хивақ...нинг олий иморатлари мунхамид бўлиб, ўрнига сўксўк ва юлғун кўкарди. ... Анингдек, обод шаҳарда (Хивада) 40 уйлик раият қолди. Баъздан эшитдимким, 15 уйликдан кўб эрмас эрди”. (Шермуҳаммад Мунис. Фирдаус ул иқбол//қўлёзма ЎзАН №5071, 47 бет)

Сиёсий ҳолатнинг маълум бир турғунлиги бирданига шаҳарнинг кўркамлашиши ва ободонлашувида ўз аксини кўрсатади. Мунис Хоразмийнинг ёзишича 1782 йилга келиб Хивада қайта тиклаш ишлари якунланган. (Шермуҳаммад Мунис. Фирдаус ул иқбол//қўлёзма ЎзАН №5071, 73 бет)

Иноқлар ҳукмронлиги даврида шаҳарнинг хароба деворлари қайта тикланган, бир неча маъмурий бинолар Кўхна арк, Жума масжид, Муҳаммад Амин Иноқ ва Фозилбей мадрасалари қурилди.

Сўнгра Хива хонлигини бирлаштириш ва мустаҳкамлаш Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825йй.) давридан кўриш мумкин. У хонликда ўзбек ва туркман қабила ва уруғларини ўзига бўйсундирган ва хонлик ҳудудларида бир неча йирик каналлар қаздирган. (Худойберганов К. Хива хонлари тарихи. – Урганч 2008. – 29 б.)

XVIII-XIX аср бошларида Россия (Урал, Поволжье ва Сибир) билан савдо-сотиқнинг ривожланиши туфайли хонлик иқтисодиёти мустақамланди, Хива, Янги Урганч шаҳарлари ривожланди.

Кўп сонли монументал бинолар XIX асрга тегишлидир. Улар шаҳарнинг архитетуравий қиёфасини ташкил этади, биноларнинг ўша даврдаги такрорланмас қиёфаси ҳозирги кунда ҳам ҳар бир инсон қалбини маҳобати билан ром этиб келмоқда. Хива бу даврда майдони жиҳатидан кенгаяди ва унинг чегаралари антик ва ўрта асрлардаги шаҳар чегарасидан ҳам ортади.

Бу даврда шаҳар муҳофаасининг иккинчи чизиғи – Дишан қалъанинг дастлабки кўрғон деворлари қурилган. Хорасонга қилинган навбатдаги юришдан кейин жанубий туманлардаги 20 минг аҳоли Хоразм ва унинг пойтахти Хивага мажбурий кўчирилди. 1842 йилда Муҳаммад Ёқуб меҳтар раҳбарлиги остида 30 кун ичида Хива атрофида ўнта дарвозага эга бўлган олти километр узунликдаги бақувват қалъа деворлари қурилди. Ташқи шаҳар ичига Рафанак, Нуруллабой, Нуруллабек саройлари ҳам кирган. (Обследование историко-архитектурной застройки территории «Дишан-Кала» в г.Хива. – архив ГлавНПУ. Т. 1987. Том II)

Ўша даврдан бошлаб шаҳарнинг катта ҳалқаси “Дишан-қалъа” номи билан атала бошлаган, унинг мазмуни “ташқи шаҳар”, ёки “ташқи қалъа” маъносини беради ва шаҳарнинг умумий ҳудуди Дишан қалъа кўрғон девор билан ўраб олингандан кейин маълум бўлади. Бу билан шаҳар кенгаяди. Унга теваарак атрофдаги боғлар, аҳоли истиқомат қилувчи жойлар, қишлоқлар кўшиб олинади. Бозор, карвонсаройлар, савдо расталари, айрим қабристонлар шаҳар чеккасига олиб чиқилган.

Бу даврнинг шаҳарсозлик ҳолати ва шаҳар саҳни ҳақида А.Абдурасулов жуда кенг ва тўлиқ маълумотлар келтириб ўтган. У: - “Шаҳар сатҳи XX аср бошларигача деярли ўзгаришсиз қолди. 1910 йилдан бошлаб эса шаҳарнинг шимолий қисми Оқёп канали кўпригига қадар бўлган ҳудуд “Янги қалъа” номи билан атала бошлади” – деб ёзади.

Хонлиkning ўша даврдаги пойтахт шаҳар тўғрисидаги батафсил маълумотлар Данилевский томонидан ёзилган рус географик жамиятига тегишли ёзма манбалардан топиш мумкин. Данилевский шундай деб ёзади: “...Хива – Полвон каналидан оқадиган Ингриқ ва Чаржели каналлари орасида жойлашган ва иккита хом пахса билан қуршаб олинган. Биринчи девор шаҳарнинг асосий қисмини чегаралаб, у катта бўлмаган баландлик устига қурилган”. (Данилевский. Описание хивинского ханства. ЗПГО. кн.5, стр.112). Дишан қалъа ҳақида эса бундай ёзган: “Иккинчи девор хоннинг ўз кўшини билан Бухорога юриши олдидан тикланган. Бу девор шаҳар билан биргаликда ҳозирги кунда шаҳар таркибига кирувчи шаҳар атрофидаги

худудларни ўз чегарасига киритган ва у тўғри бўлмаган шаклга эга. Унинг айланма узунлиги 6 верст ва 100 сажени ташкил этади (М.Мадаминининг “Хоразмнинг қадимги ва Ўрта асрлар шаҳарсозлик тарихи” китобида “верст” сўзи – чақирим деб, “сажен” сўзи эса узунлик ўлчов бирлиги, русчадан ўзбек тилига “саржин” шаклида кирган). Бошқа ўлчамлар ички деворники билан бир хил, бу ташқи девордаги 12 та дарвозадан 8 тасини атрофи ғишт билан тикланган ва пардозланган, қолган тўртта дарвоза ўрни қолдирилган. Хивада: иккита хон саройи, 17 та масжид, 22 мадраса, карвон-сарой, ёпиқ савдо қаторлари ва 260 га яқин расталар шаҳарнинг турли қисмларида мавжуд бўлган, улар шаҳар деворининг ташқи томони бўйлаб Бахча-дарвоза ва Шермуҳаммад-ота дарвозалари орасида жойлашган”. (Данилевский. Описание хивинского ханства. ЗПГО. кн.5, стр.114).

Данилевскийнинг ёзма маълумотлари бирмунча нотўғри бўлиши мумкин, чунки Дишан қалъада ҳозирги кунда 10та дарвоза бўлиб, уларнинг баъзилари ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Булар: Хазорасп, Пишканик, Ангариқ, Шихлар, Тозабоб, Шохимардон, Дошоб, Гадоилар, Қўша дарвоза ва Гандимён дарвозаларидир. Чиндан ҳам Дишан қалъа қўрғон деворида 10та дарвоза эмас 12та дарвозаси бўлган. Буни Базинернинг 1842 йилдаги харитаси аниқ кўрсатиб турибди. Афсус бу маълумот бошқа шу соҳа билан қизиқувчилар томонидан тўлиқ ўрганилган эмас.

Аммо юқорида келтирилган шаҳар тўғрисидаги Данилевский томонидан қолдирилган ёзма маълумотлар катта илмий аҳамиятга эга, чунки бу маълумотларни Базинер тузган шаҳар харитаси тўлиқ тасдиқлайди. (Ноткин И.И. Динамика градостроительного развития Хивы. // Архитектура и строительство Узбекистана. 1983. №10. – стр. 11)

Харитани кўриб чиқиб шунга иқдор бўлиш мумкинки, шаҳарнинг лойиҳасида доминант ҳисобланган ғарб-шарқ йўли етакчи бўлган ва шаҳристоннинг хочсимон асосий йўли ўзининг шаклланишини сал кейинроқ бошлаган деган хулосага келиш мумкин, чунки жанубий девор атрофида ҳовуз жойлашган бўлиб, бу ерда дарвоза ўша даврда бўлмаган. Тепада айтилиб ўтилган фикрларни Люсилиннинг харитаси намоён қилади. Унда Шаҳристоннинг (ички қалъа, “Ичан-қалъа”) асосий коммуникацион йўллари 1873 йилда, аниқроғи 1858-1867 йиллар оралиғида пайдо бўлган.

Ўша даврда Ичан қалъанинг жанубий девори бўйлаб сув ҳавзаси бўлган ва бу кичик кўл Тош-дарвозадан Дишан қалъанинг Ангариқ дарвозасигача бўлган майдонни эгаллаган.

Хонликдаги меъморчилик - шаҳарлар ривожини билан боғлиқ ҳолда тараққий этиб борган. Хива хонлигидаги энг йирик шаҳар бўлиб, 3 қисмдан

иборат булган: 1) Хон қароргохи, 2) Сарой (Ичан қалъа Дишан қалъа), 3) Рабод шаҳар ва шаҳар атрофи.

Хивада XIX аср бошларида 22 мадраса, 17 масжид, хаммом ва карвон сарой ҳамда ёпик бозорлар булган. Хива ҳозирги кунда “Очик осмон остидаги музей шаҳар” дир.

Хива меъморчилик мактабининг бурунги даврида араб Муҳаммад мадрасаси 1616 йилда, Анушахон хаммоми, XVII асар охирида Шергозийхон мадрасаси 1719 йилда қурилди. Хива меъморчилигининг энг ривожланган даври XIX асрга тўғри келади. Элтузархон томонидан XIX асрда кўринишхона биноти, Оллоқулихон даврида Тошҳовли 1832 йилда, Саидбий масжиди 1835 йилда, Муҳаммад Раҳим I даврида Полвон дарвоза, Муҳаммад Амин мадрасаси, Полвон ота масжиди қурилиши тугалланмай қолган. Қалта минор 1851-52 йилда қурилган. Муҳаммад Аминхон ҳалок бўлгандан кейин қурилиш тўхтаб қолган. Минора баландлиги 29 м, айланаси 12 м. Полвон Маҳмуд макбараси - Муҳаммад Раҳимхон I даврида қурилиб Оллоқулихон (1825-42) шеърлар билан битилган. Чиройли қосинлар билан безатилган. Хоразм меъморчилигининг намунаси сифатида Хазараспдаги Раҳмонқулихон саройи қурилган. Хоразм меъморчилик ўзига хослиги унинг нафис безаклари, жимжимадор нақшларидир.

Амалий безак санъатида - рангли ва бир рангда ишланган бўяма нақшлар сақланиб қолган. Бўртма чиройли гулли идишлар яратилган. Нақшларда ўсимлик, ҳайвон, осмон жисмлари уйғунлашган.

МУҲАММАД АМИНХОН МАДРАСАСИ – Ичан қалъа ғарбий деворлари ёнидаги ансамблнинг энг муҳим қисми, 1851-1855 йиллар ичида қурилган. У бой диний мактабгина бўлиб қолмай, (унга жуда катта вақф мулкидан келадиган даромад қарар эди) олий мусулмон судининг идораси ҳам эди. Меъморчилиги диккатга сазовор: бу ерда Хивада биринчи марта биринчи қаватда икки хонали хужра ва хужра олди айвончалари қурилган. Айвончалар иккинчи қаватдаги карнизлари кўчага қаратилган.

КЎХНА АРК - Кўхна қаср дегани. "Янги қаср" - Тош ховлидан фарқли ўлароқ, Хива кўрғонини XIX асрнинг 30- йилларидан бошлаб шундай атаб келинади. Кўхна аркнинг деворларини Анушахоннинг ўғли Арангхон 1686-1688 йилларда қура бошлаган. Жиллардаги ёзувларга қараганда, Кўхна аркнинг қурилиши бутун XIX аср давомида ҳам ниятсизга етмаган. Қаср-қалъа бир неча қасрлардан ташкил топган бўлиб, уларда тахт саройи, ҳарам, ҳарбий анжомхона, пул зарб қилинадиган сарой, ошхоналар ва бошқалар жойлашган. Кўхна аркга қираверишдаги майдон - ҳарбий намойишлар ва ҳарбий машқлар ўтказиладиган жой бўлган. Унинг ўртасида жиноятчилар жазоланадиган "махсус жой" бўлган. Арк деворининг ёнида зиндон бўлган.

Кўхна аркнинг кириш дарвозаси - Шарқ томонда жойлашган, ҳозир у XIX асрдан сақланиб қолган фото ёрдамида қайта тикланган. У бир ёклама уч куббали иморат кўринишидадир. Ўртада - тошдан йўл бўлиб ҳар икки томонда қоровулхоналар жойлашган. Ташқи кўриниши пештоқли, икки чеккадан миноралари қад кўтариб турган ва тепадан хужралар тизмаси жой олган иншоотдан иборат. Кўхна арк ҳарами - Муҳаммад Раҳимхон II даврида (1865-1910) қайта тикланган, ҳарамнинг чўзинчоқ ҳовлиси саройнинг шимолий қисмида жойлашган, ҳовли жануб томондан т-рар жой бўлмалари билан қуршаб олинган, уларнинг ҳар бирида хоннинг бир хотини турган, бўлма бир устунлик айвон ва бир хоналик уйдан иборат бўлган. Хон турадиган уй булардан факат ҳажм ва ишлови билангина фарқ қилган. Ҳовлининг шимолий қисмида чўри ва канизлар турадиган қаватли уйлар саф тортган. Кўхна аркнинг кўриниш хонаси - унинг биринчи биноси XVII асрда Арангхон томонидан қурилиб XVIII асрда эрон кўшинларининг босқини пайтида вайрон этилган. Ҳозирги биноси 1804-1806 йилларда Элтузархоннинг амалдорларидан Юсуф Мехтар томонидан барпо этилган. Безак ишлари эса Оллоқулихон (1825-1842) даврига таллуқлидир. Кўриниш хонанинг тимсоли бўлиб, Хоразм турар жой бинолари хизмат қилган. Мажмуа икки устунли баланд айвони бор тахт зали (бу бошдан-оёк нақш билан копланган, атрофи девор билан ўралган ҳовлига олиб чиққан), ўртада ғиштин супаси бўлган, у нуфузли меҳмонларни кутиб олишда чодир қуришга мўлжаллангандир. Кухна аркнинг ёзги масжи-ди - пул зарб қилинадиган сарой таркибига кирган. Мажмуа Кўхна аркнинг шарқий деворига ёпишган. Пул зарб қилинадиган сарой Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) томонидан таъсис этилган. Бу ерда олтин ва кумуш тангалари зарб этилган. Таксолнинг (пул зарб қилинадиган сарой) бошқа хизматларга мўлжалланган ғиштин иморатлари ичида майолика билан безатилган кўп устунли айвони бор ёзги масжиди яққол ажралиб туради. Фризга ўйиб ёзилган шеърлардан маълум бўлишича, масжид 1838 йили Оллоқулихон буйруғи асосида барпо этилган.

ОҚ ШАЙХ БОБО тепалиги - ривоятларга қараганда, XIV асрда яшаб ўтган шайх Мухтор Валининг қадамжоси бўлган. Археологик қазилмалар шуни тасдиқлайдики, тепалик кулдан килинган бўлиб, XVII аср ичида асос солинган. Тепаликда сақланиб қолган икки қаватли уйнинг харобалари сўнгги даврга оид қасрнинг кузатув минораси бўлиб хизмат қилган.

МУҲАММАД РАХИМХОН МАДРАСАСИ - Ичон калъанинг ғарбий ансамблидаги Кўхна арк ҳовлиси қаршисида 1871 йил қурилган. Монументал бино планда тўғри бурчакли симметрик қилиб ишланган. Миёнсарой барча Ўрта Осиё мадрасалари ичида энг мукаммали бўлиб, ҳатто айланма йўлдаги куббали бўлмалар миқдори саккизта бўлган. Ҳовлининг икки қаватли биноси

бир типдаги икки хадли турар жой бўлмаларидан иборат. Мадрасага кираверишда Хивага хос бўлган хилват савдо ҳовличалари барпо этилган.

ҚОЗИ КАЛОН МАДРАСАСИ - Хивадаги энг сўнгги мадрасалардан (1905) бўлиб хон қози Қози Калон Салим Охун томонидан қурилган. Бош фасади шаҳар кўчасига қараган мўъжазгина бу иншоот ғарбий ва шарқий дарвозаларни, Ичан қалъанинг кўндаланг ўқини бир-бири билан бирлаштириб туради.

САИД АЛОВИДДИН МАҚБАРАСИ - 703 хижрий (1303 мелодий) йилда вафот этган таниқли шайхга атаб қурилган. Археологик қазилмалардан маълум бўлишича, нодир майолика билан безатилган сағанаси бор пештоқ гумбазли мақбара XIV асрнинг биринчи ярмида эшиги қарама-қарши томонга қаратиб қурилган зиёратхона қўшилган. Бу хоналарнинг архитектураси турли даврларни акс эттиради: қадимий нусхадаги боғлам-боғлам паруслар тизмаси, пастак қилиб қурилган кубба, зиёратхонада эса, пештоқли паруслар узра савлат тўкиб турган гумбазли интерьер кўзга ташланади. Ўлчамлари: 10x10 м, баландлиги 10,4 м, гўрхона 3,7x3,7 м, зиёратхона 6x6 м.

ПАХЛАВОН МАХМУД МАЖМУАСИ - Хоразмнинг таниқли шоири, касби мўйнадўз, машҳур курашчи, Хиванинг ҳомийси деб ном олган кишининг дафн этилиши муносабати билан юзага келган бу мажмуа XIV-XX асрлар мобайнида ташкил топди. Мақбаранинг дастлабки пайтларида гир атрофи қабристон бўлган эди. Эшикдаги ёзувларга кўра, қурилиши санаси мажмуанинг ҳозирги пайтдаги киравериш жойи, Шохниёзхон томонидан 1113 хижрий (1701 мелодий) йилда, яъни дарвозахона қурилган дамдан ҳисоб этилади. 1810 йили Мухаммад Раҳимхон Кўнғиротга босқинчилик юриши қилгандан кейин мақбара тубдан қайта тикланди: катта зали Хива хонларининг даҳмаси бўлиб хизмат қилган бинонинг ён галереяси бунга мисол бўла олади. Бу ерга Абулғозихон (1663), Анушахон (1681), Ёулбарсхон (1728-1744), Мухаммад Раҳимхонлар дафн этилган. Орнамент нақшларнинг муаллифи машҳур хивалик уста Абдулла Жин бўлган. XX асрга келиб қабристонни 4 қироатхона ва Ёкуббой хўжа мадрасаси қуршаб олган. 1913 йилда мақбара ҳовлисида икки қаватли бино қад кўтарган, унинг битта хонасида Исфандиёрхоннинг дабдабали даҳмаси ўрнатилган.

ШЕРҒОЗИХОН МАДРАСАСИ - Ичан қалъанинг энг ўртасида жойлашган. Уни Шерғозихоннинг Хуросонга қилган юриши (1718 й) чоғида асир олиб келинган қуллар тиклаган. 1720 йили қулларни ҳали қуриб битказилмаган мадраса ичида ўлдирадилар, хоннинг мақбараси ёдгорликнинг бош фасадига туташ қилиб қурилган. Иншоотнинг қа-чон қуриб битказилгани ҳақида муаррих Муниснинг асарларида қайд этилган (1710-

1726 йй). Шерғозихон мадрасаси Хивадаги энг кекса ва энг йирик иншоот хисобланади. Жойнинг табиий офатлари ва Пахлавон Махмуд қабри ёнидаги унга қарама-қарши томонда жойлашган қабристон комплекснинг тупрок қатлами ўсиши натижасида мадрасанинг ички майдони кўчадан 2 м пастда қолиб кетган. Ўлчамлари: 50х43 м.

ИСЛОМХЎЖА МАДРАСАСИ - машҳур Исломхўжа минораси беагини янада кўркам қилиб кўрсатади. Бутун иншоот 1908-1910 йилларда Исфандиёрхоннинг вазири Исломхўжа томонидан бунёдга келтирилган. Муъжазгина ховлиси 42 та хужра билан қўраб олинган. Бинонинг фақат қираверишдаги жойигина икки қаватли бўлиб, у ҳам серхашам нақшин майоликалар билан зеб берилган асосий фасаднинг кўркини очиш учун тикланган. Ўлчамлари: 43х32,5 м.

ЖОМЕЪ МАСЖИДИ - араб географи Мақсидийнинг шохидлик беришича, бу масжид X асрдаёқ барпо этилган. Ҳозир қад кўтариб турган бино хон амалдорларидан Абдурахмон Мехтар томонидан XVIII аср охирларида қурилган. Бу ҳақда муаррих Мунис маълумот беради. Масжид кўп устунлик (гипостиль) иншоотдир. Унинг томи энлик текис тўсинлар билан ёпилган, саҳни ғоят кенг, жума намози ўқигани келган барча шаҳар намозхонларини бемалол ичига сиғдира олган. Уч жойдан ёруғлик тушиб турадиган жойни бир-биридан 3,15 м узоқликда саф тортган 212 та устун кўтариб туради. Шулардан 25 таси қадимдан - X асрдан тортиб XVI асргача бўлган даврда ясалган устунлардир. Мехробдан ўнгротда мармар лавҳага масжиднинг даромади ва бу даромадлар ҳақидаги ёрлиқ - вақфнома битилган. Жанубдаги кириш эшигига сана (1203 хижрий, 1788(89) мелодий) ёзилган. Ўлчамлари: 55х46 м, баландлиги 5 м гача.

ОҚ МАСЖИД – Ичан қалъанинг шарқий дарвозаси таркибига қиради. Масжид пойдевори Анушахоннинг ҳаммомлари билан бир вақтда 1657 йилда қўйилган. Мазкур бинолар уймақори эшикларининг ёзувларига қараганда, 1838-42 йиллар мобайнида қурилган. Масжид маҳалланики бўлиб, қуббали зал ва уч ёқлама айвондан иборат.

АНУШАХОН ҲАММОМЛАРИ - 1657 йилда Карманага қилган юриш чоғида бухороликлар ҳужумидан сақлаб қолганлиги учун Абулғозихон ўз ўғли Анушахонга инъом этган совғалардан бири. Ҳаммом ярим ер тўла шаклидаги усти гумбазлар билан ёпилган иншоотдир.

ҚУТЛУҒМУРОД ИНОҚ МАДРАСАСИ - Ичан қалъа шарқий дарвозаси ёнидаги ансамбилнинг бошланиши хисобланади. У 1804 - 1812 йилларда Оллақулихоннинг остона тагига дафн этилган тоғаси томонидан қурилган. Қурилиш санасини биз мадраса эшикларидаги уйма ёзувлардан биламиз. Қутлуғмурод Иноқ мадрасасининг тархи диний қонун - қоидалари асосидаги

лойихага мутаносиблиги билан ажралиб туради. Бундай лойиха ривожланган ўрта аср давридаги олий диний ўқув юртлари учун Ўрта Осиёда кенг қўлланилар эди. Бино кўндаланг кесмали ўқ тархида, яъни тевараги толиби илмлар ва мударрисларга мўлжалланган хужралар билан қуршалган тўғри бурчакли чор айвонли ҳовли шаклида бунёд топган. Бош фасадга параллел қилиб бешта зал қатор қурилган, ҳар икки чеккадаги заллар дарсхона бўлган, ўртадагилари эса миёнсарой деб аталувчи ҳовли томонга ўтиш учун айланма йўлак вазифасини ўтаган. Ҳовлида усти гумбаз билан ёпилган сардоба бўлган.

ХЎЖАМБЕРДИБИЙ ЁКИ ХУРЖУН МАДРАСАСИ - 1688 йилда Ичонкальанинг қалъа деворлари ёнида қад кўтарган. XIX асрнинг бошларида Ичан қалъа шарқий дарвозасининг ёнидаги ансамбил шаҳар ичи ҳудудидан чиқиб кетади ва Дишан қалъа ҳудудида олдини кўримсизгина Хўжамбердибий мадрасаси тўсиб турган Оллақулихоннинг янги мадрасасига асос солинади. Шу сабабдан у бутунлай қайта ишлаб чиқилди, у Оллақулихон мадрасасининг дарвозасига олиб борадиган йўлак билан қоқ иккига бўлиб ташланади. Бу билан икки мустақил ҳовли вужудга келади. Унинг хуржун деб ном олишига сабаб ҳам шу. Мадрасанинг асосий беағи 1688 йил деб ёзиб қўйилган ўймакорли кириш эшиги ҳалос.

ОЛЛАҚУЛИХОН МАДРАСАСИ - Эшикдаги ёзувга мувофиқ у 1834 - 1835 йилларда қурилган. Мадраса уч томонидан Оллақулихон тими бинолари билан қуршаб олинган майдонда жойлашган. Бунгача бу ерда Ичан қалъа деворлари қад кўтариб турар, Хужабердибий мадрасаси ва растаси бўлар эди. Палвондарвоза тамонга ердан йўл ўтар эди. Бу Хивадаги энг йирик мадраса. Унинг иккинчи қавати қўшни биноларга туташиб кетган. Мадраса ичида шаҳар кутубхонаси жойлашган бўлиб, ундан барча Хива мадрасаларининг талаблари фойдаланганлар.

АБДУЛЛАХОН МАДРАСАСИ - Қутлуғмурод Иноқнинг Туркистондаги юриши чоғида 1855 йилда ўн етти ёшда ҳалок бўлган ўғлига атаб унинг онаси томондан барпо этилган. Мадраса Оқ масжиддаги туташ. Архитектураси кўримсиз типовой схемаси бир оз ўзгартирилган симметрик эмас.

МУҲАММАД АМИН ИНОҚ МАДРАСАСИ - Кўнғирот сулоласининг илк салафлари томонидан 1785 йилда Жомеъ масжидининг рўпарасида қад кўтарди. Майдоннинг умумий шакли бино меморчилигига кучли таъсир қилади. У фронтал композиция асосида диаганал шаклида чўзилиб кетган. Шунга қарамай, саҳн гирдидаги хужралар ва кириш қисмидаги умумий залнинг андоза жойлашувидаги асосий тамоил сақланиб қолган.

УЧ АВЛИЁ МАҚБАРАСИ - XX асргача кенгайиб, макбара деворининг қуйи қисмларини ҳам уз ичига олган шаҳар ташқарисидаги қабристон ўрнида XVI асрда юзага келган. Археологик қазилмалар туфайли макбара эндиликда тупроқ қатламлари қандайдир “авлиё”га атаб қурилган. Қуйи қисмини гир атрофидан Хоразмга хос қатма-қат бўртиклар билан жиловланган бурчакнома пештоқ паруслари безаб турувчи гумбаз макбаранинг кенг зали узра савлат тўкиб турибди. Чуқур абсидал меҳробни ушбу иншоотни тиклашда қатнашганликлари эҳтимол бўлган XVI аср Бухоро усталари ишини эслатадиган “Кулоб-корий” номли катта - катта юлдузли гумбаз безаб турибди. Макбаранинг кириш эшигидаги ёзувлар ёғочга ўйиб ишлайдиган усталарнинг номини зикр этади: Абдулла ибн Саид, Ахмад Самарқандийнинг ўғли Асад Хусаин. Шу ерда сана ҳам келтирилган: 969 ҳижрий, 1549 милодий.

ТОШ ҲОВЛИДАГИ ХАРАМ - энг аввал уқрилган. У саройнинг жамоатчиликга мўлжалланган қисмидан хон ва унинг хотинлари турадиган уйларда туташ бўлган йўлак оркали ажратиб қўйилган. Кўндаланг ўк бўйлаб жойлашган бир устунли ва икки хонали бўлмалар узунчоқ ҳовлининг жанубий томонида жойлашган. Қолган томонларда хоннинг қариндош - уруғлари, хизматкорлари чўриларга мўжалланган икки қаватли уйлар қурилган.

ТОШ ҲОВЛИДАГИ КЎРИНИШХОНА - Шарк томондан Тош ҳовли саройнинг харами кўшимча тарзда 1832 - 1834 йилларда барпо этилган. Бу ҳовли тантанали маросимлар (кўринишхона, меҳмонхона) ва ўйин кулгулар учун мўлжалланган. Бу мажмуанинг жойлашиши суд ва давлат идоралари жойлашган учинчи ҳовли - Арз ҳовлига ўхшаб кетади. Мазкур ҳовлининг жанубий томонлари орқасида тантаналарга мўлжалланган зал бор, бир устули ва икки рангдаги айвонлар билан икки томондан чўзилиб кетган йўлаклар қад кўтарилган. Ҳовлиларнинг периметрлари бўйлаб хизмат ва турар жой уйлари жойлашган. Ишрат ҳовлининг ўртасида сайёҳ меҳмонлар келганда устига ўтов тикиладиган айланма супа кўтарилган.

ТОШ ҲОВЛИДАГИ АРЗХОНА - қурилишнинг уч йиллик танаффуси вақтида 1837-1838 йиллари саройнинг жанубий-ғарбий бурчагида барпо этилган. Унда интизом ишлари йўлга қўйилган (подшолик томонидан кучайтирилган қоровул, маҳбусларни асраш ва ҳакозо). Шундай қилиб, Тош ҳовли саройи нотўғри трапеция шаклидаги лойиҳа асосида қуриб битказилган. Саройни Хоразмнинг энг яхши усталари қурганлар: наккош Нурмухаммад уста Тожиҳон, маҳаллий ривоятларга қараганда, қурилишни икки йил ичида тугатишдан бош тортганлиги учун қозикқа ўтказилган экан.

Унинг ўлимидан кейин сарой уста Каландар Хивакий тамонидан узок муддатларда қурилган.

ОЛЛОҚУЛИХОН КАРВОНСАРОЙИ - 1833-38-йилларда Тош-ҳовли саройининг рўпарасида, Ичан қалъанинг вайрон бўлган деворининг орқа томонида қад кўтарган. У ҳалқаро савдо алоқаларининг ривожланиши туфайли бунёдга келган. Бу Хоразмда сақланиб қолган ягона карвонсаройдир. Бино тўғри бурчакли, жанубдан шимол томонга чўзилган, кенг ҳовли 2 қаватли майда турар жой ва омборхоналар билан қуршаб олинган, кириш пештоқлари ва савдо расталари асосий фасад томонга қараб очилган. Шундай қилиб, Хива карвонсаройи шу тоифадаги биноларнинг энг қадимги типини ўзида мужассамлаштирган. Ўлчамлари: 69х58 м.

ЧОДРА ХОВЛИ - XVII-XIX асрлар, сарой андозасидаги иншоот, шаҳар ташққарисидаги турар жой биноси. Бу иншоот кўп қаватли сидирға турар жой биноларнинг йўқ бўлиб кетган ноёб намуналаридан ҳисобланади. Хом ғиштдан тикланган, минора ва пахса деворлардан иборат. 1 қаватда отхона билан омборхона, 2 ва 3 қаватда олди айвонлик биттадан уй, 4 қаватда бири-биридан тўсиқ билан ажратиб қўйилган иккита айвон мавжуд. Баландлиги 30 метргача.

НУРИЛЛАБОЙ САРОЙИ - Хива хонларининг шаҳар ортидаги қабулхона Дишон Калъада, Ичан қалъа деворининг шимоли-ғарбий бурчагида жойлашган. У 1865 йилдан 1912 йилгача қисмларга бўлиниб қад кўтарган уйларнинг бутун бир мажмуасини ташкил этади. Унинг асосини гувалаклардан тикланган 1 ёки 2 қаватли олди айвонлик уйлар ташкил этади.

ПОЛВОН ДАРВОЗА - Ичан қалъанинг шарқий дарвозаси бўлиши билан бирга савдо растаси вазифасин ҳам ўтаган. Бино ғарбдан шарққа томон чўзилиб келган. Олд кўриниши кунгурадор пештоқ шаклида безатилган. Ўтиш йўлагини олти кубба тизмаси тўсиб туради. Ён ариқларга ҳар бири иккитадан савдо дўконлари орқали чиқилади. Ичан қалъа томонидан кираверишда юзасига 1221 йил хижрий - 1806 мелодий деб ёзиб қўйилган лавҳа сақланиб қолган. Бинонинг бу энг кўхна қисми ҳаммомга туташган ва иккита ихчам кубба билан ёпилган. Қолган қисми 1835 йилда қуриб битказилган. Ичан қалъа томонидаги Полвондарвоза қаршисида дарвоза бўлиб, у ерда хон фармонлари ўқилган, жинойтчилар жазоланган.

ТОШ ДАРВОЗА - шаҳарнинг дарвозаси тахминан XIX асрнинг 30-40 йилларида Оллоқулихон даврида тикланган. Бу Ичан қалъанинг жанубий дарвозаси ҳисобланади. Марказий ўқидан икки гумбазли йўлак билан ўтиладиган олти ҳадли иншоотдир. Йўлакнинг ҳар икки томонида 4 куббали қоровулхона ва божхоналар жойлашган. Жа-нубий олд кўриниши залворли миноралар билан қуршалиб туради.

КЎША ДАРВОЗА - Дишон қалъанинг шимолий дарвозаси, XX асрнинг бошларида барпо этилган. Унинг асосий хусусияти - Урганчга кетадиган йўл ўтадиган қўшалок бир йўлли, 4 гумбазли йулакдан иборат. Бу усул дарвозанинг олд кўринишида акс эттирилган. Йўлакларнинг теvaraгида тепасида кузатув айвончаси бор миноралар қад кўтарган. Кузатув айвончаси нақшин супалар билан безатилган. Йўлакларнинг ҳар икки тарафида ёрдамчи хужралар жойлашган. Бalandлиги 9,42 м.

КАЛТА МИНОРА - Мухаммад Аминхон мадрасасининг бош мажмуаси рўпарасида жойлашган. Хива муаррихи Муниснинг маълумотига караганда, 1855 йилда хон ўлими туфайли иншоот ниҳоясига етмаган. Режага кўра, минора бутун мусулмон шарқидаги энг мухташам иншоот бўлиб қолиши керак эди. Дарҳақиқат, 14,2 метр диаметрли пойдевор устига қуриладиган миноранинг бalandлиги 70-80 метрга бориши лозим эди. (Сақланиб қолган қисми - 26 м).

МУРОДТЎРА МИНОРАСИ - Эндиликда ном-нишона қолмаган шу номдаги маҳалла масжиди қoшида 1888 йилда қурилган. Минора Қўхна аркга қираверишдаги майдонни қўраб олган турар жой биноларнинг ўртасида қад кўтарган. Қўхна аркнинг шимоли-шарқий бурчагида.

ИСЛОМХЎЖА МИНОРАСИ - Хиванинг сўнгги хонларидан бири Исфадиёрнинг вазири Исламхўжа томонидан 1910 йилда тикланган бўлиб, Ичонқалъага зеб бериб турибди. Бу Хивадаги энг бaland минора саналади. Минора танаси юқорига томон кескин нозиклашиб кетганидан у яна ҳам бalandга ўхшаб кўринади. Нақшиндор сирли сополлардан ишланган кўндаланг белбоғлар бу кескинликни яна ҳам қучайтириб туради. Ўлчамлари: пойдеворининг диаметри - 9,5 м, бalandлиги - 44,5 м.

ЖОМЕЪ МАСЖИДИ МИНОРАСИ - Хивадаги энг қадимий масжиддир. У йирик хон амалдори Мехтар Абдурахмон томонидан XVII асрда вайрон бўлган минора ўрнида XVIII асрда барпо этилган жомеъ масжиди қурилиши пайтида қад қутарган. Минора икки қатта йўл келиб туташган жойда бўлиб, жума намози ўқиладиган масжид ўрнини қўрсатиб туради. Бalandлиги - 33 м, диаметри - 7 м.

XI ривожланиш бoсқичи (1873-1920 йиллар)

Хива хонлиги 1873 йилда Россияга қўшилгандан кейин Хоразмда яхши ижтимоий-иқтисодий имкониятлар юзага кела бошлади, анъанавий меъморчиликка Европа инженер-қурилиш тажрибаси қира бошлади. Бу тажриба жиҳозлаш элементларида, интерьерларни пардозлашда, фасадларни безатишда намоён бўлди.

Айниқса XX аср бошларидаги меъморчиликда яққол намоён бўла бошлади. Дишан қалъанинг шимолий қисмидаги Қўша дарвоза олдидаги майдонлардаги қурилишларда кузатилади. Бу ерда олдиндан ўйланган тарх асосида тартибли режали қурилиш элементлари яққол кўзга ташланади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида қурилишлар Ичан қалъа ташқарисида жадал тус олади. Тош дарвоза (1873 й.), Яқуббой Хўжа мадрасаси (1873 й.), Дўст Алам мадрасаси (1882 й.), Мозори Шариф мадрасаси (1882 й.), Отажонбой мадрасаси (1884 й.), Саид Муҳаммад Мохирўй мажмуаси (1884 й.), Тўрт Шаввоз мадрасаси (1885 й.), Ота-дарвоза ва унинг олдида Бикажон Бика мажмуаси (1894 й.), Саид Муҳаммадхон мадрасаси (1863-1864й.й.), Торт Шаввоз мажмуаси кенгайтирилади (1885 й.), Нуруллабой мадрасаси (1912 й) ва саройи мажмуаси ва кўплаб бошқа бинолар қурилади.

XX асрда шаҳар қандай бўлган? Бу саволга жавобни Маткарим Неъматуллаев томонидан 1920 йилда тузилган харитадан олиш мумкин (ушбу харита ҳозирги кунда Ичан қалъа музей кўриқхоаси фондида ва негативлари Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт Вазирлиги қошидаги ёдгорликларни муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси архивида сақланмоқда). Бу харита шуниси билан диққатга сазоворки унда нафақат мавжуд бўлган иморатлар шунингдек аҳоли сони, ер майдонлари, масжид ва мадрасалар харитада аниқ ўз ифодасини топган. Режада шу даврнинг 14 та дарвозаси (Ичан ва Дишан қалъадаги) номлари билан, 43 та мадрасаси, 79 та масжид мадраса ва масжидларнинг вақфлари ҳам қайд этилган кўчаларнинг жойлашуви, маъмурий бинолар, бозор ва карвонсаройлар ва бошқа бинолар тасвирга олинган. М.Неъматуллаев маълумотига кўра 1920 йилда Хива шаҳрида 4949 оилада 27083та киши, жумладан Ичан қалъада 909та оила ва унда 13767та киши, Дишан қалъада 4040та оила ва 13316 киши истиқомат қилган. Шаҳарнинг майдони тахминан 468 танобни ташкил этган ва бир таноб 60 газга, 1 газ эса 0,5 аршинга тенг ҳисобланган. (Обследование историко-архитектурной застройки территории «Дишан-Кала» в г.Хива. – архив ГлавНПУ. Т. 1987. Том II. стр.19)

“Шуниси илмий жиҳатдан эътиборга сазоворки,”- деб ёзади А.Абдурасулов “Хива” деб номланган тарихий этнографик очерклар тўпланган китобида - “мазкур режа топилгунга қадар кўчаларнинг эски номлари, мадраса ва масжидлар сони турли даврдаги тадқиқотда турлича кўрсатилиб келинди. Чунончи, эълон қилинган рисоаларда Хива шаҳрида 96 масжид, 120 мадраса бор деб келинди”. (Абдурасулов А. Хива. Тарихий этнографик очерклар. – Т.: Ўзбекистон. 1997. – 23 б.)

XII ривожланиш босқичи (1920-1950 йиллар)

Шаҳарсозлик соҳасидаги эришилган ҳамма ютуқларни сарҳисоб қилиб И.И.Ноткин шундай деб ёзади: "... XIX аср бошлари ва XX асрда Хива меъморларининг ғоялари ўзининг энг юқори чўққисига етиб, халқ меморчилиги тажрибаси билан узвий боғланган, аввалом бор орнаментал-декоратив санъатда ва ғуқаро архитектураси намуналарида ўз аксини топган". (Обследование историко-архитектурной застройки территории «Дишан-Кала» в г.Хива. – архив ГлавНПИУ. Т. 1987. Том II стр.19)

Миллий архитектуравий фикр-мулоҳаза юритиш, яъни архитектуравий ғоялар мамлакатда тўхтаб қолди, халқ услубларини рус-европа архитектураси эгаллади ва айтарлик даражада муваффақиятга эришмади.

Хива хонлиги 1920 йилда тугатилди, Хоразмда ҳокимият рус ҳукумати қўлига ўтди.

Хива шаҳри XX асрнинг 50 йилларига қадар ҳеч бир бош режасиз стихияли равишда ривожланди. 1920-1950 йиллар даврига оид бирорта ҳам харита йўқ.

Ўтган асрдаги 1920 йилгача бўлган даврлардаги эришилган архитектура ютуқлари бу вақтга келиб маълум бир вақт оралиғида бутунлай тўхташ даврини бошидан кечирди.

Ўша даврдаги янги шароитларда вужудга келган муваффақиятсизлик то ҳозирги кунгача ҳам Ўзбекистон архитектурасининг ғоявий-бадий ва техник тараққиёти йўлидаги ўз ривожини аниқламагунча давом этиб келмоқда.

XIII ривожланиш босқичи (1950-1991 йиллар)

Хива шаҳрининг биринчи бош режаси (тархи) 1950 йилда "ЎзДавлойиҳа" институти лойиҳасига мувофиқ ишлаб чиқилган. Лойиҳага кўра шаҳарнинг умумий маркази Феруз кўчасининг шимол тарафидан янги ҳудудга жойлаштирилиши кўзда тутилди ва тарихий зона билан режавий боғлантирилмади. Ичан қалъа ҳеч ўзгаришсиз қолди. Бу лойиҳа совет шаҳарсозлик йўналишлари асосида ишлаб чиқилган бўлса ҳам Ичан қалъанинг бутунлигини сақлаган, Дишан қалъа ҳудудини ўша давр шаҳарсозлик талабларига кўра янгича лойиҳалаштиришган.

Шаҳарнинг иккинчи бош режаси 1964 йилда ишлаб чиқилди, бу лойиҳада шаҳарнинг умумий марказини Ичан қалъанинг ғарбий томонига жойлаштирилиши кўзда тутилди, бунда Ичан қалъа атрофидаги мавжуд қурилиш бутунлай бузилиши ва бу ерга жамоат бинолари ва кенг яшил майдонлар жойлаштирилиши режалаштирилди.

Мавжуд бўлган 1964 йилдаги бош режага асосан 1967 йилда ўзгартиришлар киритилди, умумшаҳар марказининг ҳудуди сезиларли

даражада қискартирилди ва марказ Феруз кўчаси билан Сирчали ёп оралиғига жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Нуруллабой саройи олдидаги хиёбон (парк) шимол тарафга томон Дишан қалъа деворлари ортига давом эттирилди ва спрот зонасига ўтказилди. Сайёҳлик мажмуаси Нуруллабой сарой ёнига жойлаштирилди.

1967 йилда ишлаб чиқилган бош режага мувофиқ 1972 йилда тарихий ҳудуднинг деталлаштирилган лойиҳаси ишлаб чиқилди. Марказнинг асосий зоналарини жойлаштириш Ичан қалъа бош режасига мувофиқ амалга ошириш билан бу ҳудудни архитектуравий тарихий зиёратгоҳга айлантириш режалаштирилди. Дишан қалъанинг ғарбий қисмига Санъат саройи жойлаштирилди.

1978 йили Ўзшаҳарсолик лойиҳа институтида шаҳар аҳолисининг келгусида 70 минг кишига кўпайиши ҳисобга олинган ҳолда янги бош режа ишлаб чиқилган. (Лойиҳа муаллифлари: архитекторлар А.Н.Александрович ва Н.Казанская, муҳандис Т.З.Зияев) Бош режага мувофиқ енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш билан бир қаторда халқ хўжалигининг тармоғи сифатида туризмни ҳам ривожлантирилиши кўзда тутилган. Хива шаҳри қадимдан нафақат Хоразм вилояти балки Ўзбекистоннинг йирик тарихий-марказий шаҳри ҳисобланган, шунинг учун кўзда тутилган ҳолда Хива йирик базисли марказга айлантирилди. Шаҳристоннинг шимолий - ғарбий ва ғарбий томонида ҳудудий жиҳатдан ривожлантириш режалаштирилди. Бу эса қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ер майдонидан (шаҳарга қўшиладиган умумий ер майдонининг 1/3 қисми) қурилишда унумли фойдаланиш имконини бериб; Қасмаобод турар-жой (мавзеси) шаҳар ҳудуди билан бирлаштириш орқали ихчам шаҳар режасини тузишга эришилди; жануб томондан дастлабки яратилган шаҳар қиёфаси икки девор билан қууршаб олинган қалъа сақлаб қолинди. Бош режа орқали мавжуд тарихий зонани пухта ташкил этиш кўзда тутилган. Бу зона хизмат кўрсатиш марказига эга бўлган учта турар-жой ва иккита саноат районларидан ташкил топган бўлиб, ишлаб-чиқариш ташкилотлари ва хўжалик омборхоналари жойлаштирилган.

Хива шаҳрининг марказини тиклаш лойиҳаси 1983 йилда яқунланди. (Институт “УзНИИП градостроительства. ПДП центральной части гор. Хивы. Автор проекта: арх. Александрович А.М., Казанская Н.В., инженер Зияев Т.З.)

Шаҳар бош режасига мувофиқ умумшаҳар марказлари бўлиб Ичан қалъа ва Дишан қалъалар киритилган, замонавий марказ ҳудуди ва бўш ер участкалари Дишан қалъа деворларининг ғарбида жойлашган. Умумшаҳар марказини жанубий – шарқ томонга силжитиш лойиҳада кўзда тутилган бўлиб, у тарихий зонани ўз ичига киритган ва шаҳарнинг яриммарказли

структурасини ва умумшаҳар маркази қурилишининг кўп пағоналигини олдиндан аниқлаб берди. Бош режа лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилиши тўғрисида лойиҳа авторларидан бири шаҳарни лойиҳалашдаги муаммолар тўғрисида “Хива, лойиҳалаш муаммолари” мақоласида анализ қилиб ўтган. (Казанская Н.В. Хива, проблемў пректирования // Архитектура и строительство Узбекистана, 1983 №10, стр.12)

Ҳозирги вақтда умумшаҳар марказининг асосий объектлари: ҳокимият биноси, савдо маркази, Аль-Хоразмий ва Аль-Беруний музейи, меҳмонхоналар қурилган, асосий магистрал тармоқлари ўтказилган. Шаҳар тарихий қисмининг индивидуал структурали қурилиши ва ҳажмий-фазовий композицияси билан боғлиқ бўлган бир қатор савол ва масалалар бош режада ҳисобга олинган бўлсада, лекин уларни амалда ечиб бўлмайди. Шунга боғлиқ равишда шаҳар муҳитини ягона шакллантириш учун асосий элемент сифатида шаҳарнинг марказий тарихий қисмини максимал сақлаш таъминланмаган.

Бундан ташқари, шаҳар тарихий қисмининг марказ тизимига фаол киритилишининг таклиф этилиши Қўша дарвоза ва Саид Муҳаммадхон мадрасаси каби архитектура ёдгорликларининг маъмурий-жамоат бинолари билан қўшни бўлиши айтарлиқ даражада муваффақиятли уйғунлашувни бермаган. Шаҳар маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизими ва туризм эҳтиёжлари учун бир қатор монументал архитектура ёдгорликлари жумладан, Оллоқули-хон карвон саройидан савдо маркази сифатида, Муҳаммад Амин-хон мадрасасидан туристик меҳмонхона, Муҳаммад Амин Иноқ мадрасасидан бахт уйи сифатида фойдаланиш ўринли деб ҳисобланади.

Хива «Ичан қалъа» тарихий-меъморий музей кўриқхонаси - Хива Ичан қалъа ичидаги ҳудуд. Хоразмнинг қадимий моддий ва маданий ёдгорликларини, авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўзига хос анъаналарини сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш билан шуғулланадиган маданий-маърифий муассасаси ҳисобланади.

1920 йилда Кўҳна Арк (Арзхона)да кўргазма музей тарзида очилган, 1924 йил Тошҳовлига кўчирилган. 1969 йилдан Хоразм тарихий инқилобий музейи «Ичан қалъа» музей кўриқхонаси билан бирлаштирилиб, ҳозирги номи билан аталади. 1990 йилда Ичан қалъа ўзининг тарихий аҳамиятга эга майдонлари (Дишан қалъа девори харобаларига қадар бўлган ҳудуди) билан Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Музей кўриқхона 26 га майдонни эгаллаган бўлиб, унинг таркибида 54 та тарихий обидалар бор, Хоразмнинг қадимдан ҳозирги давригача бўлган бой тарихи, моддий ва маънавий маданиятини ўзида акс эттирган 13та доимий музей экспозициялар ташкил қилади: Кўҳна Аркда - Қадимий Хоразм, Муҳаммад Раҳимхон мадрасасида -

Тарих ва адабиёт, Қози Колон мадрасасида - Мусиқа тарихи, Шерғозихон мадрасасида – Табобат, Исломхўжа мадрасасида - Халқ амалий санъати, Абдуллахон мадрасасида – Табиат, Муҳаммад Иноқ мадрасасида - Авесто; Тош ҳовлида – Ҳунармандчилик; Арабхон мадрасасида - Асосий фонд ва бошқалар ўрта асрларнинг бой тарихий–маданий ҳаётини, бетакрор меъморий обидаларнинг сирларини саёҳатчи ва қизиқувчилар учун намойиш қилиб келмоқда. Музей қўриқхона фонддаги 50 мингдан зиёд экспонатлар - археологик топилмалар (1109 та), қурол аслаҳалар (120 та), турли даврларда зарб қилинган нодир тангалар (14895 та), амалий санъат буюмлари (2309 та), уй-рўзғор анжомлари (1815 та), тасвирий санъат асарлари (127 та), ноёб китоб ва ҳужжатлар (4954), фотонегатив ҳужжатлар (3071) ва бошқа ноёб осориютиқаларни, тарихий обидаларни авайлаб асрайди, илмий жиҳатдан ўрганади, уларни топилмалар билан бойитади ва бошқа ишларни амалга оширади.

Мустақиллик йилларида Шайх Мавлон бобо, Кўхна Арк, Сайд Махрўйжаҳон мажмуаси, Шайх Қаландарбобо, Қибла Тозабоб мажмуалари, Биби Хожар мақбараси, Муҳаммад Раҳимхон, Муса Тўра мадрасалари, «Ичан қалъа» кўчаларида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Музей қўриқхона ҳудудида сайёҳлар учун интернет марказлари очилган.

Хулоса

Хива - Хоразм вилоятидаги шаҳар. Хива тумани маркази. Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбида, вилоятнинг жанубида, Амударёнинг чап соҳилида, дарёдан 40 км жанубда, 91 м баландликда жойлашган. Шаҳар ёнидан Полвонёп (қад. Хейканиқ) канали ўтган. Яқин темир йўл станцияси Урганч (30 км). Майд. 0,08 минг км². Аҳолиси 51,2 минг киши (2004). Хива-Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидан бири.

Археологик маълумотларга кўра, шаҳар мил.ав. V асрда барпо этилган. Унинг номи шаҳарнинг қадимий қисмида жойлашган Хивақ (Хейвақ) қудуғи билан боғлиқ. Баъзи тадқиқотчилар шаҳар номини хоразмий тилига яқин бўлган қад. осетин тилидаги «Хиаув» - қалъа сўзидан, бошқалари бу атамани антик даврдан Хива ҳудудидан оқиб ўтган Хейканиқ (Ҳозир Полвонёп) каналининг ўзгартирилган (Хейканиқ-Хейваниқ-Хейвақ-Хева-Хива) номидан келиб чиққан дейдилар. Хоразмлик тарихчи солномачи Худойберди Қўшмуҳаммад ўзининг 1831 й.да ёзган «Дили Ғаройиб» асарида Хоразмнинг қадимий шаҳарларини номманом санар экан, «Бу мамлакатнинг яна бир қалъаси - Қалъаи Рамлдир. Бу қалъага Сом ибн Нуҳ асос солган бўлиб, у ҳозирги Хивақ номи ила машҳурдир» дейди.

Халқ ривоятларида ҳам шаҳарнинг бунёд этилиши Нух замонларига боғлиқ тақалади. Бунда Нухнинг ўғли Сом бўлажак шаҳар ёнига келиб қудук қазирган ва шу билан Хивага асос солган. Ҳақиқатан ҳам Хиванинг Ичан қалъасида қадимий Хейвақ (Хивак) қудуғи сақланиб қолган. Хива тўғрисидаги дастлабки ишончли маълумотлар X асрдан бошлаб араб-форс тилидаги тарихий географик манбаларда учрайди. Истахрий (930) Хивани ўша даврдаги энг йирик 30 та шаҳар рўйхатига киритган. У Хивани Ҳазораспдан 8 фарсах масофада Журжония (Гурганж) йўлида жойлашганлигини қайд қилади. Муқаддасийнинг маълумотларига кўра эса Хива билан Ҳазорасп ўртасидаги масофа 8 догон (10 фарсах)дан иборат бўлган. Хива Ёқут Хамавий (13-аср), Низомиддин Шомий (14-аср) асарларида ҳам қарвон йўлида жойлашган шаҳар сифатида эслатиб ўтилади.

XVII асрда яшаб ўтган Маҳмуд ибн Валий бу шаҳар тўғрисида шундай ёзади: “Хива кенг ва баҳаво шаҳар. У шайх Нажмиддин Кубронинг ватанидир”. Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларидаги Хива хусусидаги фикрлари ҳам ана шу даврга мансубошқалар

Хива ўзининг тарихий ўтмиши, меъморий тузилиши, обидаларининг яхлит сақланганлиги жиҳатидан мазкур қадимий шаҳарлар орасида алоҳида ўрин тутди. Ер қуррасида машҳур бўлган Афина, Рим, Қоҳира шаҳарларига тенгдош бўлган бу шаҳарнинг Ичан қалъа қисми (1990 йил) Жаҳон мероси рўйхатига киритилган 100 шаҳар бўлиб, дунёга ал-Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Шиҳабуддин Хивакӣ, Пахлавон Маҳмуд, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз), Мунис ва Огаҳӣ каби буюк зотларни етказиб берган азим замин ҳисобланади.

Мил.ав. V аср охиригача Хива Хоразм таркибида Ахоманийлар давлати тасарруфида, сўнгра мустақил Хоразм давлати таркибида бўлган. Илк ўрта асрларда Хива орқали Шарқни Ғарб билан боғловчи Буюк ипак йўли ўтган. IV аср бошларидан Хива - Хоразм билан бирга Сосонийлар давлати таркибига кирган. Бу даврда у қалъа девори билан ўраб олинган. 712 й. Хивани араблар истило қилган. Араб сайёхлари Истахрий ва Муқаддасий қўлёзмаларида келтирилишича, Хива X асрда Хоразм воҳасида энг йирик шаҳарлардан бири бўлган. 1221 йилдан мўғуллар империяси, 1389 йилдан теурийлар давлати таркибида, XVI аср бошларидан 1920 йил 2 февралгача Хива хонлиги пойтахти бўлган. Хонлик 1873 йил рус кўшинлари томонидан забт қилиниб, Гандимиён шартномасига кўра, Россия империяси протекторатига айлантирилган. 1920-24 й.ларда Хива Хоразм Халқ Совет Республикаси пойтахти бўлиб турган.

Хивани археологик жихатдан ўрганиш қисман С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломов, А.И.Тереножкин ва бошқалар томонидан XX аср ўрталаригача олиб борилган. 1984-1993 йилларда археологик қазилма ишлари режали равишда кенг миқёсда олиб борилди. Қазилмалар Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими археологлари ва хоразмлик археологлар ҳамкорлигида амалга оширилди. Шаҳар худудида 6 та стратиграфик қазилма ва 7 шурф белгиланди. Хиванинг қадимий қисми - Ичан қалъада 1200 м² бўлган майдон казиб ўрганилди. Археологик ашёларнинг 7м гача чуқурликдан топилганлиги, шаҳарнинг пайдо бўлиш даври қадимий эканлигидан далолат беради. Шаҳар тарихий тараққиётининг биринчи даврида Ичан қалъа ўрнида одамлар яшай бошлаган. Археологик материалларнинг шаҳодатича, бу давр мил.ав. V асрга тўғри келади. Кулолчилик чархида тайёрланган сопол буюмлар мажмуаси, шунингдек, пахса девор қолдиқлари шу даврга мансубдир. Мил.ав. V аср охирида Хоразм Эроннинг сиёсий таъйиқидан халос бўлгач, Хивада шаҳар системасининг асосий элементлари шакллана бошлади. Мил.ав. IV – III асрларда қалъа атрофи 2 қаватли қалин девор билан ўраб олинди. Девор олдин пахса, унинг устига хом ғишт терилиб, бунёд этилган. Ғишتلарнинг аксариятига тамға босилган. Девор орасида (ичида) эни 2 м ли йўлак бўлган. Девор бўйлаб, ҳар 22 - 27 м масофада миноралар тикланган. Девордаги миноралар тўғри бурчакли бўлган. Қалъа деворининг бутун тизими асосий девордан 4,4 - 8,5 м масофадаги кўшимча тўсиқ-девор билан ўраб чиқилган.

Девор ичи ва йўлақлардан топилган сопол буюмлар мил. ав. IV – III асрларга тааллуқли. Бўйин қисми ингичка, нозик қилиб ишланган хум ва хумчаларнинг сиртига оч пушти рангда гул нақши солинган. Яна бир нодир топилма - кўзачанинг шер калласи шаклидаги дастасидир. Қад. қалъа девори ва йўлақлар Хива ўша даврда воҳада йирик шаҳарлардан бири сифатида Хейканиқ (Полвонёп) канали соҳиллари ҳамда соҳилга яқин худудларни назорат қилиб турганлигини тасдиқловчи далилдир. Хива дастлаб агрархунарманд шаҳар сифатида ривожланди.

Мил.ав. II асрда Хиванинг катта қисми қум остида қолгач, аҳоли шаҳарни тарк этди. Ичан қалъа деворлари вайрон бўлди. Мил. бошларида шаҳарда ҳаёт яна тиклана бошлади. Қалъа деворининг ғарбий қисмида арк бунёд этилди. 1 - 3-асрларда (Кушонлар даври) Хива Ичан қалъа деворлари ташқарисидан қалин ғиштин девор билан мустаҳкамланди, натижада шаҳар девори қалинлиги 7,5 - 9 м га етди.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, мил. IV-V асрларда шаҳарни яна қум босган. VI-VIII асрларда Хива қайта тиклана бошлади. Хива худудида заминдорларнинг дастлабки кўшклари пайдо бўла бошлади. Ичан

калъада шундай кўшклардан 2 таси топилган. Шаҳар Хоразмшоҳлар даври (XII–XIII аср боши) равнак топиб, ҳудуди кенгайди. 1220-21 йилларда Хива Чингизхон кўшинлари томонидан вайрон этилди. Кейинроқ қайта тиклана бошлади. Хунармандчилик (кулолчилик, кошинкорлик ва бошқалар) ривожланди. Кейинги даврда айниқса, XVI–XIX асрларда шаҳар жадал тараққий эта борди. Қуйи Волга, Ўрта ва Яқин Шарқ шаҳарлари билан савдо алоқалари ўрнатилди.

Хива XVI асрнинг 2-ярмидан Хоразмнинг пойтахтига айлангач, ҳар томонлама ривожланди. Меъморий қиёфаси ҳам ўзгара борди.

Шаҳардан ўзаро кўндаланг кесишган 2 та катта кўча ва 4 дарвоза (Отадарвоза, Полвондарвоза, Боғчадарвоза, Тошдарвоза) орқали Дишан қалъа (рабод) га чиқилади. Ичан қалъа кўрғон девори вақт силсиласида бир неча марта бузилиб қайта тикланган. Ичан қалъа деворининг ҳозирги узунлиги 2200 м, баландлиги 6 - 8 м, таг заминининг қалинлиги 5 - 6 м. Қалъа тўғри тўртбурчак шаклида қурилган бўлиб, узунлиги 650 м, эни 400 м, жами 26 га майдонга эга.

Хиванинг рабод қисми Дишан қалъа 1842 йилда Оллоқулихон даврида (1825 – 1842йй.) баланд девор билан ўраб олинган. Ўша даврдан бошлаб шаҳарнинг катта ҳалқаси “Дишан-қалъа” номи билан атала бошлаган, унинг мазмуни “ташқи шаҳар”, ёки “ташқи қалъа” маъносини беради ва шаҳарнинг умумий ҳудуди Дишан қалъа кўрғон девор билан ўраб олингандан кейин маълум бўлади. Бу билан шаҳар кенгаяди. Унга теварак атрофдаги боғлар, аҳоли истиқомат қилувчи жойлар, кишлоқлар кўшиб олинади. Бозор, карвонсаройлар, савдо расталари, айрим қабристонлар шаҳар чеккасига олиб чиқилган. Ўша даврда Ичан қалъада 33 маҳалла (мачитқавм) ва Дишан қалъада 34 маҳалла бўлган. Маҳаллалар номи шу ерда яшаётган аҳолининг касбкори (Читкарлик, Элакчилик, Кулоллар, Мисгарлик, Ғассоллар) ёки шахс лавозими (Отамурод кушбеги, Ёқуб меҳтар, Юсуф ясовулбоши) билан аталган. Шаҳарда 109 каттакичик кўча, 79 масжид ва 120 қорихона бўлган. Хивада 19-аср ўрталарида 20 минг киши яшаган. Шаҳар, асосан, XIX асрнинг 2-ярмидан кенгая борди. 1874 й.да шаҳар маъмурий жиҳатдан Қумёсқа, Каптархона, Ўр, Кўҳнабозор, Калтаминор, Амин. чорсу, Мевастон, Қорааълам ва Янги қалъа мавзеларига бўлинган. Хива хоннинг «мулки холисаси» ҳисобланиб шахсан унинг ўзи томонидан бошқарилган. 19-аср охири – XX аср бошларида Хивада 64 Мадраса, 79 масжид бўлган. 1924 й. шаҳарда олинган аҳоли рўйхатида 4029 хонадонда 18145 киши қайд қилинган.

Хиванинг илк тарҳи 1740 й.да чизилган. Шаҳар тарҳи узунасига 1 минг м, энига 400 м бўлиб, 40 га майдонни эгаллаган. Унинг бутун теварак атрофи

сувли хандақ билан ўраб олинган. Шаҳарга шарқ томондан махсус кўприк орқали кириш мумкин бўлган. Кўприк кечалари кўтариб қўйилган. Кўприк ёнидаги дарвозадан бошланган катта кўча тўппатўғри Арк дарвозасига бориб тақалган. Арк шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган. Шаҳарнинг асосий кўчаси уни 2 қисм (шим. ва жан.) га ажратган. Аркда хон саройи, ҳарамхона, аслаҳахона бўлиб, улар махсус қалъа девори билан ўралган. Лекин, ўша даврдаги баъзи иншоотлар чизмага кирмай қолган. Шаҳарнинг яна бир тарҳи Россиядан махфий топшириқ билан келган топограф Г.Н.Зеленин томонидан 1839 й.да чизилган. Зелениннинг маълумотларига кўра, шаҳарда ўша даврда 17 та масжид, 22 та маҳалла ва 260 савдо растаси бўлган. Шаҳарнинг жуда аниқ ва мукаммал бўлган сўнгги тарҳи 1873 йилги рус истилосидан сўнг рус топографлари томонидан тузилган ва ўша йилиёқ «1873 йилги Хива юришлари» мақоласига илова тарзида босилган.

Меъморий ансамблининг яхлитлиги жиҳатидан шаҳар Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. 1967 йилда Ўрта Осиёда илк бор Хиванинг Ичан қалъа (шаҳристон) қисми тарихиймеъморий ёдгорликлар қўриқхонаси деб эълон қилинди. Хиванинг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни ЮНЕСКО Бош конференциясининг (1995 й. окт.- ноябошқалар) 28 сессиясида алоҳида қайд қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 3 январдаги қарори билан Хиванинг 2500 йиллиги 1997 йилда жаҳон миқёсида кенг нишонланди.

Шаҳарда «Хива Карпет» қўшма корхонаси, сопол буюмлар, пахта тозалаш, ғишт заводлари, тикувчилик, «Хива гидами» акциядорлик жамияти ва бошқалар гилам тўқиш корхоналари, нон кти, деҳқон бозори, маданий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатади. Урганч университетининг агроменежмент фти, Ўзбекистон ФАнинг Хоразм Маъмун академияси бўлими, Қорақум и.т. станцияси, педагогик, тиббиёт, туризм касб-ҳунар коллежлари, касб-хунар лицейи, гимназия, 15та умумий таълим мактаби, меҳрибонлик уйи, 2та махсус интернат, вилоят қўғирчоқ театри, санъат мактаби, 2та кутубхона ва унинг тармоклари, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Ал-Хоразмий, Феруз ёдгорликлари, биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девонов музейи, марказий стадион, спорт мажмуаси, теннис корти, спорт заллари ва бошқалар спорт иншоотлари бор

Туман марказий касалхонаси, поликлиника, туғруқхона, болалар касалхонаси, тиш даволаш маркази, марказий дорихона, хусусий дорихоналар ва бошқалар тиббий муассасалар мавжуд. Тарихий-меъморий обидалардан Сайд Аловиддин мақбараси, Паҳлавон Махмуд мажмуаси, Жума масжид, Кўҳна Арк, Оқшайх бобо кўшки, Тошҳовли, Нуруллабой саройи, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси,

Исломхўжа мадрасаси ва минораси, Оллоқулихон мадрасаси, Қутлуғмурод инок мадрасаси, Оллоқулихон карвонсаройи ва тими, Анушахон хаммоми, Оқ масжид, Полвон дарвоза, Ота дарвоза, Боғча дарвоза, Тош дарвоза, Ҳазорасп дарвоза, Кўш дарвоза ва бошқалар сақланиб қолган. Шаҳарда «Хива - Шарқ гавҳари» журнали (2001 й.дан), «Хива тонги» туман газ. нашр этилади. Шаҳар жаҳон туризми марказларидан бирга айланган. Хивага ҳар йили 200 мингдан зиёд сайёҳ, нгу жумладан, 7 мингга яқин хорижлик сайёҳ ва меҳмонлар ташриф буюради. Шаҳарда «Ўзбектуризм» миллий компаниясига қарашли ва бир неча хусусий меҳмонхоналар ишлаб турибди.

Хивадан Урганч шаҳрига троллейбус катнови йўлга қўйилган (1997). Хива - Тошкент, Хива - Бухоро, Хива – Навоий – Самарканд - Тошкент йўналишида, шунингдек, Урганч, Қўшқўпир, Янгиариқ, Богот, Ҳазорасп ва вилоятдаги бошқа шаҳар ва йирик аҳоли пунктларига автобуслар ва маршрутли таксилар қатнайди.

Гулямов Я.Г. Памятники города Хивы, Т., 1941.

Абдурасулов А. Хива, Т., 1997.

Захидов П.Ш. Хива, Т., 1980.

Мамедов М.А., Мурадов Р.Г., Средневековье письменные источники о древнем Урганче, Ашхабад, 2000.

Абдулла Абдурасулов, Иброҳим Каримов.  «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси»дан.

II-боб. Дишан қалъа тарихий-меъморий ҳудудининг архитектуравий-фазовий тузилиши таҳлили

2.1. Дишан қалъанинг ҳудудий - маъмурий бўлиниши

Хива шаҳрининг асосий марказлари яъни шаҳристон ва рабод ҳудудларининг тарихий жиҳатдан тутган ўрнини аниқлаш, уларнинг фазовий ва режавий тузилишини таҳлил қилиш шаҳарсозликнинг тарихий жиҳатлари ва мавжуд қурилиш объектларининг сақланганлигини ва архитектура ёдгорликларининг атроф муҳит билан боғлиқлигини ўрганиш зарур.

Юқорида айтиб ўтилган савол ва масалаларни фонли қурилиш ва архитектура ёдгорликлари ўртасида юзага келадиган шаҳарсозлик ва стилистик муаммоларни ўрганиш учун мавжуд вазиятни, унинг ташкил топиш даври вазияти билан таққослаш катта аҳамият касб этади.

Хива шаҳридаги Дишан қалъа ҳудудининг тарихий-архитектуравий қурилишини тадқиқ қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт Вазирлиги қошидаги ёдгорликларни муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан 1985 йилда (буюртма асосида №10-3/115) бажарилган.

Уларнинг асосий мақсади тарихий – бадиий аҳамиятга эга бўлган монументал архитектура ва турар – жой қурилиши объектларини шаҳарсозлик жиҳатдан баҳолашни аниқлаб берувчи маълумот (материал)ларни тўплашга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт Вазирлиги қошидаги ёдгорликларни муҳофаза қилиш бош бошқармаси тадқиқот учун тўпланган материаллардан бош режани коррективровка қилиш учун ва шаҳарнинг тарихий зонасининг реконструкция лойиҳасини бажариш, монументал архитектура ёдгорликларини замонавий эҳтиёжларга мослаштириш ва уларни реставрация қилишда деталли режалаштириш лойиҳаси учун асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Дишан қалъанинг маъмурий ҳудудий бўлиниши қандай бўлган? Бу саволга 1920 йилдаги Маткарим Неъматуллаев ишлаб чиққан схематик харита, шаҳар музейи илмий ходими А.Болтаев томонидан 1922 йилда тузилган Хива шаҳридаги масжид ва мадрасалар рўйхати орқали жавоб беришимиз мумкин.

Режада бузилган ва ҳозирги кунда мавжуд бўлган архитектура ёдгорликлари, сув ҳавзалари, каналлар, Дишан қалъа деворлари, қалъа деворларининг дарвозалари, боғлар, қабристонлар, йўллар, ўтиш йўлакларининг жойлашиш ўринлари, 54 та мадраса, 79 та масжид кўрсатилган. Масжидларнинг вақфлари ҳам қайд этилган кўчаларнинг

жойлашуви, маъмурий бинолар, бозор ва карвонсаройлар ва бошқа бинолар тасвирга олинган.

Ушбу режа топилгунга қадар кўчаларнинг эски номлари, мадраса ва масжидлар сони турли даврдаги тадқиқотда турлича кўрсатилиб келинди. (Абдурашулов А. Хива. Тарихий этнографик очерклар. – Т.: Ўзбекистон. 1997. – 23 б.)

А.Болтаев маълумотига кўра 1922 йил ҳолатида шаҳарда 64 та мадраса, улардан 12 таси ташландик ҳолатида ёки бузилиб кетган, 84 та масжид, жумладан 34 таси Ичан қалъада, 50 таси Дишан қалъада жойлашган. (Маньковская Л., Булатова В. Памятники зодчества Хорезма. Стр.36,37)

М.Неъматуллаевнинг маълумотларига кўра

Профессор Х.Ш.Пўлатов ва арх.ф.номзоди Ш.С.Рейимбоевларнинг “Хоразм тарихий шаҳарларининг марказлари” номли мақоласида Хоразм шаҳарларининг XIX-XX асрлардаги архитектуравий – тархий тизимини таҳлил қилиб, уларда марказлар хилма-хил вазифаларни адо этганлиги ҳақида кўрсатиб ўтишган. Архитектура ҳам шунга мос равишда турлича бўлган деб изоҳ беришади. Улар марказларни диний мафкуравий, маърифий, маиший, тиббий ва шаҳарлараро алоқа марказларига бўлиб таҳлил қилишган.

Диний мафкуравий марказлар ҳам ўз навбатида олти турга бўлинган. Улар: а) жума; б) маҳалла масжидлари; в) зиёратгоҳлар; г) қорихоналар; д) қаландархоналар; е) ҳонақолар. Кўп ҳолларда улар мажмуа сифатида ташкил этилган.

Хон замонларида Хивада юздан ортиқ масжидлар бўлиб, шулардан 30 таси катта масжидлар ҳисобланади, уларда жума номозлари ўқилган. «Ийди-Рамазон» байрамларидаги номозлар эса шаҳар ташқарисидаги махсус номозгоҳда, киш ойларида эса жума масжидида бажарилган. Ҳозирда эълон қилинган манбаларда Хива хонлиги замонида 96 та масжид бўлган, деган маълумотлар келтирилади. Маҳалла масжидларининг 31 таси Ичон қалъада, Дишан қалъанинг ғарбий қисмида 26 та, шарқий қисмида эса 22 та масжид бўлган (жами 79 маҳалла масжиди), (1-ад., 41-бет).

Зиёратгоҳлар - қабристонлар, мақбаралар ва мазоротларни ўз ичига олади. 1922 йили М.Неъматуллаев томонидан тузилган шаҳар режасида жами 21 қабристон борлиги кўрсатилган. 7таси Ичон қалъада, 18таси Дишан қалъада жойлашган.

Хивалик машҳур шоир, курашчи Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ҳам шундай қадамжолардан биридир. Мисол тариқасида 1910 йил 17 августда мақбарада Хива хони Саид Исфандиёрхон қасам ичиб, йиғлаган, улламо ва фузалоларга қарата шундай сўзларни айтган : «Полвон ота руҳи билан онт

ичиб қасамийёд қиламанки, агарда шароитга шак келтирувчи бирон бир номаъқул ҳаракатларимни сизлар пайқаб, менга етказмасангизлар, барча қилган гуноҳларим сизларни зиммангизга тушгай» (1-ад., 49-бет).

Қорихоналар ҳам жамоат жойлари сифатида махсус хонақолар ва мархум қабри ёнида қурилган. Уларда ўлган киши руҳига бағишлаб оятлар ўқишга ёлланган қорилар ибодат қилишган. А.Абдурасуловнинг узок вақт олиб борган тадқиқотлари натижаси шуни кўрсатадики шаҳарда инқилобгача 141 та қорихона, 51 та масура бўлган... Шаҳардаги энг йирик қорихона 1914 йилда Исфандиёрхон томонидан онаси Қутлуғ Жамол Бика ва ўғли Темур Ғози тўра ва ўзи учун Пахлавон Маҳмуд мақбараси қаршисида қурилган... Қорихона икки қаватли, жами 4та хонадан иборат; гўрхонада онасининг жасади дафн қилинган (1-ад., 39-бет).

Қаландархоналар Хива ва Хазорасп шаҳарларида жаҳонгашта сайёҳлар - каландарлар учун махсус қаландархоналар бўлган... Рус рассоми В.В.Верешагин ўз эсталикларида тасвирлашича қаландархоналар шаҳарнинг соя - салқин кўркам қисмида қурилган. Ховлининг ўртасида баланд супа бўлиб, ундан жархона сифатида фойдаланилган. Пастроқда эса гадоилар яшаши учун алоҳида хоналар бўлган. Хива шаҳрида қаландархона Сирчали канали ва Алакчилик маҳалласида хуш манзара жойда қурилган, ҳовлида катта ҳовуз, теварагида юзлаб тут, гужум, терак, тол дарахтлари бўлган. Қаландархонада жамоа ўз бошлиғи кўл остида ҳамжихатлик билан яшаган. Қаландархона бошлиғи мазкур бинони қуришга асос солган бўлиб, тирикчиликлари учун алоҳида вақф ҳам олишган... Қаландархона бошлиғи бу ерда оиласи билан истиқомат қилган. Бошқа қаландарларнинг оиласи бўлмай, улар хоналарда 30-40- нафар бўлиб яшаганлар. Ховлида қаландарлардан ташқари гадоилар, тиланчилар, майиб-мажруҳ бечоралар ҳам истиқомат қилишган (1-ад., 38-бет).

Хонақолар - жоме масжидлари, мақбаралари, оилавий қабрлар яқинида қурилган. Чунончи Саид Аловуддин (1303), Пахлавон Маҳмуд (1810) мақбаралари ва Саид Ниёз Шоликорбой масжидида (1835) хонақолар бўлган, уларда овоз чиқариб ёки сукуд сақлаган тарзда «зикр» тушилган, ўтганлар руҳига Қуръони Карим оятлари ўқилган, улуғлар хотирланган (1-ад., 38-бет).

Демак қаландархона ва хонақоларни ҳам мафкуравий марказлардан бири деб ҳисобласак хато қилмаймиз. Шу билан бирга бундай марказлар турар жойларга сингдирилганлигини ҳам таъкидлаш жоиздир. Жумладан бундай марказларга Хонқа шаҳридаги 1749 йилда қурилган Саид ота масжиди, Хонқа масжид мадрасаси, Хазораспдаги Жума масжиди, Қосимшайх бобо кадамжоси, Исмоил Эшон бобо ёдгорлиги, Шоббоздаги Шох Аббос Валий мақбараси ва масжиди, Султон Увайс бобо мақбараси, Кечирмас бобо

мақбараси, Урганч шаҳридаги Охун бобо қабристони, Дошқин бобо мажмуаси ва шунга ўхшаш кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Юқоридаги ёдгорликлардан ташқари бу турдаги иншоатларнинг ўзаро мажмуа сифатида ташкил этилган диний-мафкуравий ёки бошқа, масалан: савдо марказлари билан бириккан мажмуалар алоҳида шаҳарсозлик мавқеига эга бўлган. Айтиб ўтилган Паҳлавон Маҳмуд, Саид Ниёз Шоликорбой ва бошқа мажмуалардан ташқари Рофаник, Саид Марғумжон Тўрт Шаввоз ва бошқа мажмуалар турли композицион ечимни беради.

Маърифий марказлар. Икки турга ажратилган: Мактаб ва мадрасалар. Булар тўғрисида А.Абдурасулов қуйидаги маълумотларни келтиради: - «Агарда 1909 йилги маълумотларга суянадиган бўлсак Хива шаҳрида шу пайтда 1500 мактаб бўлиб, уларда 45000 бола таҳсил олгани аён бўлади. Яна бир қизиқ томони Хива мактабларида ўғил болалар билан қиз болалар биргаликда ўқитилган... Хива мадрасалари кўпчилик жихатидан Ўрта Осиёда Бухородан кейин иккинчи ўринда турган. XIX аср охири XX аср бошларида Хивада 65 мадраса бўлиб, уларнинг 54 таси шаҳарда, 11 таси шаҳар атрофида жойлашган... Хивадаги энг йирик мадрасалардан бири 1851 йил Муҳаммад Аминхон қурдирган мадраса бўлиб, икки қаватли, 125 хужрадан иборатдир. Мадрасада бир йўла 260 талаба таҳсил кўрган... Энг кичик мадраса эса 1888 йилда Бойжон жувозчи томонидан ўз авлодлари таҳсил олишини мўлжаллаб қурдирган, атига тўрт хужраси бўлган. Мадрасанинг тузилиши ўзига хос, ҳар бир хужрада 2-3 талаба яшаган, барча хужра эшиклари ҳовлига қаратиб солинган ва ҳар бир хужрада ўчоқ ўрнатилган, яшаш шароитлари нисбатан яхши ташкил қилинган... Хива шаҳрида янги усул (Жадид) мактаблари ва рус-тузем мактаблари ҳам ташкил қилинган. Илк мактаб 1884 йилда хон ҳовлисида очилиб, унда маҳаллий миллат болаларининг рус тилини ўрганиши йўлга қўйилади» (1-ад.,44-46 бетлар).

Маиший марказлар таркибига ва ҳаммомлар ва бошқа дам олиш жойлари киради. Хива ҳаммомлари тўғрисида А.Абдурасулов қуйидаги маълумотларни гапирди. «XVII аср бошларида Бухорои шарифда 18та ҳаммом борлиги ҳақида тарихий манбаалар далолат беради. Бу даврда Хивада иккита ҳаммом бўлган. Биринчиси Полвон дарвоза яқинида, иккинчиси 1657 йилда Анушахон томонидан қурдирилган. Эски ҳаммом эса таъмирланиб шу атрофда жойлашган оқ масжидга вақф қилиб берилган. Ҳаммомга аёллар, болалар, ғассоллар, ғайридинлар ва тери касалликлари билан оғриганлар кириши ман қилинган» (1-ад.,37 бет).

Ховузлар атрофлари ҳам хушманзара дам олиш масканлари ҳисобланади. А.Абдурасуловнинг маълумотига мувофиқ XX аср бошларида Хива шаҳрида 14 катта ховуз бўлган. Бу ховузлар асосан шаҳар дарвозалари,

карвонсарой, бозор ва чорраҳалар яқинида қазилган. Шу мақсадда унинг ёнларига каландархона ва мусофирхоналар ҳам қурилган. Ховуз атрофлари гужум, қайрағоч ва тут дарахлари билан ўралиб, соя, хушманзара жой бўлган.

Бундай ховузлар Хоразм воҳасининг ҳамма зоналарида учрайди.

Тиббий марказ. А.Абдурасуловнинг маълумотларига кўра: - «1891 йилда шаҳарда илк бор фельдшерлик-акушерлик шаҳобчаси очилди... Бу ерда рус шаҳарлари илмгоҳларида таҳсил кўрган рус ва нўғой дўхтирлари ишлашган.

1912 йилга келиб шаҳарда илк бор шифохона қурилди. Аввало амалдорлар кейинчалик оддий халқ ҳам даволаниш имкониятига эга бўлишди. Дастлабки рус дўхтирлари халқ орасида бағоят катта хурматга сазовор бўлишган.

Амударё бўлими бошлиғи Н.Ликошин эсдаликларида шундай ёзади: «Шифокор Анисимов аъло даражада даволай олади. Жарроҳлик ишларида ҳам ғоят моҳир. Шу боиски, тез орада халқ орасида катта ишончга сазовор бўлди. Унинг шифохонасида уч ой мобайнида 10909 нафар бемор даволанди. Улардан 4747 нафари аёллар эдилар... (ЦГА Уз ССР. Ф-125.оп.1,д.333, 65 вароқ, д.309, 15 вароқ).» (1-ад.,93 бет)».

Шаҳарлараро алоқа жойи. Илмий ходим З. Абдуллаева «Нуриллобой музейининг экскурсия тексти» да шундай деб ёзади: «1910 йилда Исфандиёрхон, Ислон хўжа ва бошқа аркони давлатлар Петербургга бож тўлаш учун боришади. Рус подшоси Николай II қабулида бўлган Хиваликларнинг бу ташрифи шаҳзода Алексейнинг туғилган куни муносабати билан берилаётган зиёфатга тўғри келади. Шунда ақлли ва донишманд Ислон хўжа хижолатдан чиқиш учун Николай II га,- «Биз бундай ажойиб байрамга келишимизни билмабмиз. Билганимизда муносиб совға олиб келардик. Орамиздаги йўл узок. Агар бизда ҳам, сиздагидек тилиграмхона бўлганда, бир-биримиз билан алоқамиз яхши бўлиб, бўлаётган воқеалардан бир-биримизни огоҳ қилиб турар эдик...» - дейди. Исфандиёрхон ўзи ясаб тилладан нақшлар қўйган бир қилични шаҳзода Алексейга совға қилади. У совгадан ниҳоятда шодланган шаҳзодани кўрган Николай II бож учун олиб борилган пулларни қайтариб олиб кетишларини ва унга Хивада тилиграмхона ва касалхона қуришларини буюради... Касалхона қаршисидаги почтахона пештоғидаги кошинларга ўзбек тилида настаълик хати услубида шундай сўзлар битилган: «Жаноби олий Саййид Исфандиёр Баҳодирхон дома шавкатининг фармони олийлари бирла сана 1330 нчи йили ушбу телеграф ва пўчтахона бино этилди».

Умуман олганда Хоразмда хусусан Хива шаҳар маркази ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Буни тарихий нуқтаи назардан А.Абдурасулов шундай қайд этади: «Хива бозорлари ўз даврида Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари бозорларидан фарқ қилади. Чунончи, Самарқанд бозорлари шаҳар ташқарисида бўлиб, унда карвонсарой, махсус бостирмали савдо расталари бўлмаган, кечалари қўриқланмаган». (1-ад.,36 бет).

Ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки савдо функцияси бошқа функциядаги иморат ҳажмида амалга оширилиши мумкин. масалан: маърифий функцияли Хивадаги Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасаси супасида савдо тоқчалари ишланган. Рофаниқ мажмуасида эса сарой, боғ, мадраса, чорсу бўлганлиги учун уни кўп функцияли марказлардан бири десак ҳам бўлади. Бу ерда асосан маҳалла маркази ва савдо функциялари етакчи роль ўйнаган.

Рейимбаев Шухрат Садуллаевич “Хоразм шаҳарларининг XIX аср охири - XX аср бошларидаги архитектуравий - тархий тизими” номзодлик диссертациясида Хоразм шаҳарларининг ҳудудий-маъмурий тизими шаҳарнинг маъмурий бўлинмалари орқали намоён бўлишини таҳлил қилган. У XIX аср охири XX аср бошларида жамоаларни, қишлоқларни, аҳоли истиқомат қиладиган жойлар шаҳарсозликнинг кичик бўлинмалари бўлган масжидқавмлар орқали бошқарилганлиги, шу даврда қавм, жамоа ўттиз хонадонга етса, катта жамоа ҳисобланганлиги ва масжидқавмга бирлаштирилганлиги, қавмларнинг аксарияти ўнга яқин хонадонлардан иборат бўлганлиги ва қавмлар бир жамоага уюшган ҳолда ер, сувдан биргаликда фойдаланишган, жамоа томонидан сайланган йиғилиш-кенгаш орқали бошқарилганлиги ҳақида тўлиқ маълумотлар келтириб ўтган. (Рейимбаев Ш.С. Хоразм шаҳарларининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги архитектуравий – тархий тизими. 6-ад., 19,20-бет).

А.Абдурасуловнинг олиб борган тадқиқотлари натижаси XX аср бошларида шаҳарда мавжуд бўлган жаъми (шу жараёнда шахсан иштирок этган Бобожон Сафаровнинг шахсий архивидан олинган) 79 та масжидқавмдан фақат 65 тасида аҳоли қолганини аниқлади. М. Неъматуллаев томонидан 1922 йилда чизилган шаҳар режасида ҳам 79 та масжидқавм номини қайд этилган ва уларнинг 65 тасида аҳоли, хонадон сони кўрсатилган. Масжидқавм номлари эса берилмаган.

Шу даврда Хива шаҳрида 64та масжидқавм мавжуд бўлган. Масжидқавмлар номлари А.Абдурасуловга кўра қуйидагича: Боборис бобо, Мискин бобо, Пояки, Ғассоллар, Абдулла раис, Боғбонли, Исмоил бекча, Тоҳир элон, Саид ота, Поянда, Отамурод қушбеги, Мусо тўра, Қози хос,

Товғон турк, Саид, Махмуд ота, Ҳасанмурод Қушбеги, Уч авлиё, Бектемир, Ҳасан кури, Ғалғал, Пано заргар, Чилла авлиё, Отажон девон, Рофаник, Нурилло читкар, Нуриллабек, Хабибулло эшон, Мамат маҳрам, Ҳусайн заргар, Норбек, Абдулла сарроф, Шоқаландар бобо, Бобо карвонбоши, Ёқуб меҳтар, Нуриллабой, Ҳасан боғбон, Қалам ясовулбоши, Маткарим сайис, Султонобод, Жонкелди, Ибодулло эшон, Саид Муҳаммаджон, Нури Хўжа, Олак Эдакчи, Кулол Масжид (кулоллар), Каптархона, Бозор юзбоши, Ҳасан кули, Рахмонберди бий, Машарип ласси, Қумёсқа, Сайдомит (Саид Ҳамил тўра), Полвон қори, Обдол бобо, Саид Ниёз шоликор, Тўрт Шоббоз, Хон масжид, Давлат қоракўз, Ғаффорбой, Заргар масжид, Гадоилар, Қора аълам, Мадраимхон, Ислон хўжа (27 *планиет*).

Ўша даврда шаҳар масжидқавмлари хонадонлар сони билан биридан кескин фарқ қилган. Масалан: Ичан қалъадаги энг кичик Ғассоллар маҳалласидаги 23 та хонадонда 78 киши (ўртача ҳар хонада 3-4 киши) яшаган. Дишан қалъадаги энг катта Саид Ниёз Шоликор маҳалласида эса 184 та хонадонда 833 нафар киши (ўртача ҳар хонадонда 4-5 киши) яшаган. Масжидқавм номлари эса табиий равишда шу ерлик аҳолининг шуғулланадиган касб - ҳунаридан ёки масжидқавм масжидини қурдирган киши номидан келиб чиқиб аталаверилган.

Аҳоли хонадонлари сони билан кўрсатилган жадвалда (6-ад., 50-52 бет) «Уч авлиё» масжидқавми бор, аммо бу масжидқавм умумий рўйхатда (Абдурасулов А. Хива. Т.: 1997. 41-бет) келтирилмаганлигини ҳисобга олиб, Ичан қалъа ва Дишан қалъаларда жаъми 80 та масжидқавм (рўйхат тузиш вақтида аҳолиси бўлмаган масжидқавмлар билан) бўлган деган хулоса чиқазиш керак. Ўша вақтга келиб аҳоли яшамайдиган масжидқавмлар мустақил масжидқавм сифатида йўқ бўлиб кетган бўлиши керак. Бизнинг тахминимизча, уларнинг аҳолиси бошқа қўшни масжидқавмлар таркибига кириб кетган ва булар 64 тага қисқарган.

П.П.Иванов «Хива хонлиги архиви» материалларида Хива атрофидаги 147 та (35-ад., 34-49 бетлар) қишлоқлар (турар жой пунктларини) рўйхатини келтирган. Уларнинг энг каттасида 10 та масжидқавм бўлиб, «Науҳас» номи билан аталган, энг кичиги эса «Рофаниқ» номи билан аталиб, атиги бир одам яшаши таъкидланган. Биз буларнинг 136 тасини картада схематик тарзда тахминан белгилашга муваффақ бўлдик (25-26 *планиетлар*). Бу қишлоқлар бизнинг фаразимиз бўйича баён этилган мавзе-элотларни ташкил этган.

Энди XIX аср охири XX аср бошларида Хива шаҳрининг йирик бўлинмиси бўлган мавзе-элотлар тўғрисида алоҳида тўхталамиз. Мавзе-элотлар тўғрисида Рейимбоев Ш.С қуйидагича изоҳ берган: “Бу йирик бўлинмалар ҳозирги кунгача манбаларнинг айрим жойларида "элот", бошқа

жойларида “мавзе” деб аталиб келинган. Бунга аниқлик киритиш учун бу мазкур йирик бўлинмаларни «мавзе-элот» деб атадик”. Тарихчи олим А.Абдурасулов ҳам Хивада 9 та мавзе-элот («мавзе») бўлганлигини таъкидлайди. Булар: Қумёсқа, Каптархона, Ўр, Кўхна бозор, Калта минор, Амин чорсу, Мойвастон, Қора аълам ва Янги қалъа мавзе-элотлари. (Абдурасулов А. Хива. Т.: 1997 63-бет), (Рейимбаев Ш.С. Хоразм шаҳарларининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги архитектуравий – тархий тизими. 24 планшет). “Агар шаҳарда 80 та масжидқавм бўлган бўлса, бу мавзе-элотларнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 9 та масжидқавмни ўз ичига олган. Булар ҳудуди жиҳатдан ҳозирги маҳаллаларга тўғри келади” – дейди Рейимбоев Ш.С. (Рейимбаев Ш.С. Хоразм шаҳарларининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги архитектуравий – тархий тизими)

Ҳозирги кунда Хива шаҳри 13 та йирик бўлинмаларга бўлиниб маҳалла номи билан юритилади. Ичан қалъанинг ўзи бир маҳалла ҳисобланади. Ташқарида Оқёб, Паҳлавон Маҳмуд, Шохимардон, Каптархона, Газчи, Қумясқа, Янги турмуш, Дўстлик, Янги Хаёт, Тоза боғ, Гидамчи, Сангар маҳаллалари бор.

Ичан қалъа олдин (XX аср 30 йилларида) тўртта маҳалла, XX аср ўрталарига келиб бир маҳалла икки элот деб ҳисобланган. Умуман олганда шаҳарсозлик бўлинмаларини ифодаловчи ҳозирги иборалар аввалги иборалардан фарқланган (19 планшет).

арх. Ш.С.Рейимбаев

проф. Д.В.Латипов

ХИВА ЭЛОТЛАРИ

Ҳозирги кунда Республикамизда маҳаллаларга бўлган эътибор ошиб бормоқда. Бунинг далили сифатида 2003-йилнинг "Обод маҳалла" йили деб эълон қилинишини таъкидлаш kifоядир. Маҳаллаларимизни ўрганиш борасида бир оз тарихга мурожат қилган ҳолда XIX аср охири-XX аср бошларидаги Ўзбекистон шаҳарсозлик бўлинмаларини кўриб чиқсак. Мақсад шуки ўрганилмасдан, таҳлил қилинмасдан қолиб кетаётган XIX аср охири-XX аср бошларидаги Хива шаҳарсозлик бўлинмаларини чуқур таҳлил қилиб кенг оммага тарғиб қилишдир.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатяпдики XIX аср охири-XX аср бошларида Ўзбекистоннинг аксари шаҳарларда асосан икки поғонали бошқарув бўлган. Бу шаҳарларнинг маъмурий-режавий бўлинувида ўз аксини топган. Бўлинмалар йирик ва майда шаҳарсозлик бўлинмалари шаклида вужудга келган. Йирик ва майда бўлинмалар турли иборалар билан юритилган. Қўқон, Марғилон, Тошкент каби шаҳарларда тўрттадан йирик бўлинмалар бўлиб, улар «даҳа» ибораси билан аталган. Самарқандда ҳам бундай йирик бўлинмалар тўртта бўлиб «қитъа» ибораси билан аталган. Бухоро шаҳрида эса йирик шаҳарсозлик бўлинмаларидан ўн иккита бўлиб «жариб» ёки «маҳалла» дейилган. «Маҳалла» ибораси кўпроқ майда шаҳарсозлик бўлинмаларга нисбатан қилиб айтилган (Тошкент, Қўқон, Марғилон). Демак, «маҳалла» Бухорода йирик бўлинмаларни, бошқа шаҳарларда эса майда бўлинмаларни ифода этган. Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда кичик бўлинмалар «гузар» деб аталган.


Ўзбекистон шаҳарсозлик бўлинмалари

Шаҳарлар Шаҳарсозлик бўлинмалари		Хива	Тошкент	Самарқанд	Бухоро	Қўқон	Марғилон
Кўрғон деворлар билан чегаралиги	Шаҳарларнинг йирик бўлинмалари	Мавзе ёки Элот	Даха	қитъа	Маҳалла ёки Жариб	Даха	Даха
	Ўрта бўлинмалари		Маркази гузар	-	-	-	қитъа
	Шаҳарларнинг майда бўлинмалари	Масжид - қавм	Маҳалла	Гузар	Гузар	Маҳалла	Маҳалла
Кўрғон девордан ташқаридаги	Шаҳарнинг атрофидаги жойлар	Масжид - қавм	Мавзе	Бо'лот	Аниқ номи йўқ	Аниқ номи йўқ	Аниқ номи йўқ

Хоразм шаҳарларининг, хусусан Хиванинг бундай ҳудудий-маъмурий бўлиниш тизими тўғрисидаги аниқлик йўқ эди. Маҳалла ва гузарга ўхшаш кичик бирикмалар мавжуд адабиётларда «элот» номи билан аталиб келинган (1-ад., 68-бет). Хива хонлари архивида аҳоли жойларининг рўйхати келтирилган бўлиб, унда «масжид» деб аталган жойлардан таркиб топган қишлоқлар тарикасида берилган. Масалан, рўйхатдаги 9-тартиб рақамли Шайхлар таркибида 4 та масжид: 28 хонадонли Қози Содик эшон, 31 хонадонли Латиф эшон, яна 31 хонадонли Махдумжон Қози ва 90 хонадонли Хўжамберди масжидлари кўрсатилган. Масжидлар тўғрисидаги маълумот «Хива хонлиги архиви»нинг мос равишда 25-26-27а-27б-варақларидан олинган (2-ад., 35-бет). Кўриниб турибдики, «масжид» ибораси кенг маънодаги «маҳалла» каби кичик шаҳарсозлик бирлиги маъносида қўлланилган. Шар бир хонадонларда ўртача 6 кишидан истиқомат қилган деб фараз қилсак, Шайхлар қишлоғи масжидларининг тахминий аҳолиси 270 киши атрофида бўлиб чиқади. Бизнинг фикримизча бундай, Шайхлар каби қишлоқ жойларига «элот» иборасини ишлатиш ўринлидир. Хоразмда «масжид» сўзи нафақат ибодатхона биносини, балки аҳоли истиқомат қиладиган шаҳарсозлик тизимини ифода этилганлиги бошқа манъбада ҳам ўз тасдиғини топади. А.Абдурасулов бўйича (3-ад., 19-бет) Хивада олдин аҳоли истиқомат жойлар «масжидқавм» деб аталган (қўм - «қавм»- уюшма сўзининг

кисқартмаси) кичик бўлинмалардан ташкил топган. Аксари, агарда «масжидқавм» - жамоа ўттиз хонадонга етса, XIX аср охири XX аср бошида катта жамоа қаторида ҳисобланган. қавмлар кўпроқ ўттизга яқин хонадонларни бирлаштирган. Қавмлар ер, сувдан келишилган ҳолда фойдаланишган. А.Абдурасулов Хивага бағишланган ўзининг монографиясида катта шаҳарсозлик бўлинмаларига нисбат қилиниши мумкин бўлган қимматли маълумот бор. У Хивада тўққизта: Амин чорсу, Қумёсқа, Каптархона, Ўр, Кўхна бозор, Калта минор, Мойвастон, Қора аълам, Янги қалъа «мавзе»лари бўлганлигини қайд этган (3-ад., 63-бет). Ундан ташқари «Таъмиршунослик» институти материалларида Ичан қалъа саккизта «кўча»га ажратилган (4-ад.). Бизнинг тахмин қилишимизча саккизта кўча А.Абдурасулов келтирилган мавзеларга тўғри келади. «Мавзе» сўзи Хивага бағишланган зикр қилинган манбадан ташқари бошқа манбада учрамайди. Аммо «элот» сўзи махсус нашрларда ва ҳозирги вақтда оғзаки нутқда мустаҳкам ўрин олган. Мазмун жиҳатидан улар бир шаҳарсозлик бўлинмани ифода этишини назарда тутсак уларни «мавзе-элот» лар деб аташ тўғрироқ кўринади. Агар ҳозирги маҳаллалар билан мавзе-элотларни солиштирадиган бўлсак, хулосамизнинг бошқа асосларини ҳам топишимиз мумкин. Хиванинг Ичан қалъасида мавзе-элотлар ҳозирги маҳаллаларнинг иккитасида (Қумёсқа, Каптархон) ўз номини сақлаб қолган ва шу мавзе-элотлар жойлашувида тўғри келади. Айни вақтда Тошкентнинг даҳаларга бўлиниши шаҳар ташқарисида давом этганлигини инобатга олиб, бу «мавзе-элот»лар ҳам Дишан қалъада давом этган деб тахмин қилиш мумкин. Биргина мавзе-элот (Қора аълам) фақат Ичан қалъада жойлашган ва биргина мавзе-элот (Қумясқа) фақат Дишан қалъада жойлашган. қолганлари ҳам Ичан қалъада, ҳам Дишан қалъада жойлашган деб тахмин қилиш лозим.

Юқорида айтилганларнинг барчасига асосланган шолда «мавзе-элот»лар жойлашуви аниқланди. Қумёсқа мавзе-элоти ҳозирги Қумёсқа маҳалласида, Каптархона мавзе-элоти ҳозирги Каптархона маҳалласида ва Ичан қалъанинг жанубий-шарқий қисмида Калта минор мавзе-элоти Шохимардон маҳалласи ва Ичан қалъанинг ғарбий қисмида, Амин чорсу мавзе-элоти Янги турмуш маҳалласида ва Ичан қалъанинг ғарбий қисмида, Янги қалъа мавзе-элоти Бўстон маҳалласи ва Ичан қалъанинг шимолий қисмида, Кышна бозор мавзе-элот Бўстон маҳалласида ва Ичан қалъанинг шимолий-шарқий қисмида, Мойвастон мавзе-элоти Янги турмуш маҳалласи ва Ичан қалъанинг шимолий-ғарбий қисмида, Ўр мавзе-элоти Шохимардон маҳалласи ва Ичан қалъанинг жанубий қисмида, Қора аълам мавзе-элоти Ичан қалъанинг жанубий қисмида жойлашган.

[illegible]

2.2. Анъанавий турар жойлари

Табиий тадқиқотлар

Хива шаҳридаги “Дишан-қалъа” тарихий ҳудудининг тарихий-бадиий аҳамияти ва техник ҳолатини аниқлаш учун 1986 йилнинг ёзида “УзНИПИ реставрация” институтининг бир гуруҳ архитекторлари архитектура ёдгорликлари ва турар-жой объектларида натуравий (табиий) тадқиқот ишларини олиб боришди.

Тадқиқот ишлари олиб борилган ҳудуд 196 гектар майдонга эга бўлиб, бу ҳудуд шаҳарнинг марказий қисмидаги “Ичан-қалъа” архитектуравий кўриқхонаси атрофида жойлашган ва мазкур майдон ғарб, жануб ва шарқ томонлардан “Дишан-қалъа” деворлари, шимол тарафдан эса Сирчали канали ва Октябрь 50 йиллиги кўчалари билан чегараланган.

Турар-жой қурилиши асосан бир қаватли синчли бўлиб, синчлар ораси хом ғиштлар билан тўлдирилган. Уйлар 4 дан 8 гача уй эгаларига гуруҳланиб, бу уйлар бир-бирлари билан ташқи томонлари билан блоклаштирилган, уларнинг фасадлари узлуксиз равишда бир-бирига уланиб кетган.

Анъанавий турар-жой уйларининг тарихий архитектуравий қимматини белгилаш асоси учун институт томонидан ишлаб чиқилган методология қабул қилинди, бу методология бўйича Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмини тадқиқ қилиш, ҳамда турар-жой қурилишининг жиҳатлари ҳам аниқланган.

Бу методга мувофиқ уйларни баҳолаш критерийлари турар-жой уйларининг композицион-фазовий ва эстетик сифатлари ҳамда уларнинг архитектуравий-типологик аҳамиятини тавсифлайдиган омилларнинг алоҳида ташкил этувчиларини баҳолаш йўли билан аниқланади.

Анъанавий турар-жойни баҳолашни тавсифлайдиган омиллар (факторлар)

1. Шаҳарсозлик аҳамиятини белгилайдиган омил(фактор) кўриб чиқиладиган турар-жой уйининг теvarак атрофдаги тарихий муҳитни ташкил этишда иштирок этиш, қадимий кўчаларнинг шаклланишида, туман(район) тарихий топографиясига тегишлилик даражасига боғлиқ бўлади.

2. Индивидуал эстетик баҳолаш, ҳажмий-фазовий ечимнинг бутунлиги, ички архитектуравий-режавий композициянинг оригиналлик омили(фактори).

3. Турар-уйларни бутун тўлиқлигича реставрация қилиш имконини берадиган бошланғич(дастлабки) ҳажмий-фазовий ечимлар ва архитектуравий-бадиий жиҳатларининг сақланганлик омиллари.

4. Қурилиш ишларини бажаришдаги моҳирлик омили(фактори) яъни қурилиш ишлари, пардозлаш ишлари, ёғочдан ишланган буюмлар (эшик, дераза,пол ва ҳ.к), декоратив безашни ифодаловчи омиллар(факторлар).

5. Архитектуравий-бадий пардозлашнинг мувофиқ келиши ва анъанавий-декоратив элементларнинг мавжудлигини инобатга олувчи омил(фактор).

Юқорида айтиб ўтилган бешта омилнинг ҳар бирини баҳолаш, баҳолашнинг уч балли тизимидан келиб чиққан ҳолда аниқланди, бунда энг юқори балл уч баллни ташкил этади. Ҳар бир омилни баҳолаш мутахассислардан ташкил топган комиссия томонидан амалга оширилди.

Анъанавий турар-жой бинолари баҳоланишига кўра учта категорияга бўлинади.

Ташкил этувчи омилларни баҳолаш йўли билан турар-жой биноларининг тўплаган баллари:

- 15/12 балл бинонинг қиммати бўйича биринчи категорияга тегишлилигини билдиради;

- 11/9 балл тўплаган турар-жой бинолари иккинчи категорияга мансубдир;

- 8/4 балл тўплаганлари тўртинчи категорияга киради;

3 ва ундан кам балл тўплаган бинолар эса категориясиз турар-жой бинолари қаторига киради.

Юқорида зикр этилган омилларни инобатга олган ҳолда анъанавий турар-жой бинолари ўз қимматига кўра учта категорияга ажратилади:

- биринчи категорияга тегишли бўлган турар-жой бинолари анкеталаштириш, фотофиксация ёрдамида тадқиқ қилинган бўлиб, улар бўйича ўлчаш натижалари асосида чизмалар бажарилган, бу уйлар бўйича келгусида архитектуравий археологик тадқиқотлар олиб бориш кўзда тутилган, бундан мақсад илмий-тадқиқот ишлари тўлиқ комплекси бажарилгандан кейин уларни давлат муҳофазасига қабул қилишдан иборат;

- иккинчи категорияга мансуб бўлган анъанавий турар-жой бинолари, анкеталар тўлдириш ва фотофиксация ёрдамида аниқланган. Бу уйларни фонли қурилиш элементлари сифатида сақлаш тавсия этилади, бу уйларнинг архитектуравий-бадий жиҳатдан устунликлари(муносиблиги)ни сақлаган ҳолда улардан келгусида фойдаланишга мослаштириш мумкин бўлади;

- учинчи категорияга кирувчи турар-жой бинолари келгусида фойдаланишга тегишли бўлиши мумкин ва шунга ўхшаш бошқа биноларни реконструкция қилишда уларнинг архитектуравий деталларидан фойдаланиш мақсадида уларни резервлаштириш мумкин. Бу бинолар бўйича, уларнинг

бебаҳо архитектуравий-бадий деталларини фотофиксация қилиш билан анкеталар тузилган.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб тарихий ҳудуднинг жанубий-шарқий ва ғарбий қисмидаги бўш участкаларида “планли уйлар” деб номланган Хоразмча типдаги якка тартибдаги замонавий турар-жой уйлари қурилди.

Бу уйларни тадқиқ қилиш натижасида уларнинг режавий тузилишлари, улардаги функционал боғланишлар аниқланди ва композицион жиҳатлар бўйича улар типологиялаштирилди.

Монументал меъморий ёдгорликлар бўйича улар ҳақидаги умумий маълумотлар тўпланди, хусусан: қурилган йили, мураккаблик категорияси, тарихий-меъморий қиймати, паспортининг мавжудлиги, ўлчаш натижалари асосидаги чизмалар ва реставрация лойиҳалари, амалда бажарилган реставрация ишлари ҳамда ҳозирги вақтда улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар тўпланди. Тадқиқот ишлари олиб борилган ҳудудда жойлашган барча архитектуравий ёдгорликлар бўйича паспортлар тузилди.

Қурилиш объектларининг тарихий-архитектуравий жиҳатдан баҳоланиши

Хива шаҳридаги Дишан-қалъа тарихий ҳудудида жойлашган монументал архитектура ёдгорликлари ва турар-жойлар қурилишини натуравий тадқиқ қилиш ва инвентиризация қилиш натижалари асосида куйидагилар аниқланди.

1. Дишан-қалъа деворлари билан чегараланган тарихий зона ҳудудининг майдони ҳаммаси бўлиб 229,8 гектарни ташкил этади.

Жумладан:

- қалъа деворларини ҳисобга олган ҳолда Ичан-қалъа архитектуравий кўриқхона ҳудудининг майдони – 33,8 га;
- тарихий зона майдони -196,0 га.

Турар-жой уйларининг сони:
ҳаммаси – 1797 та.

Улардан:

- анъанавий типдаги уйлар – 1640 та;
- якка тартибда қурилган замонавий турар-жой бинолари – 157 та.

Анъанавий турар-жой уйларининг тарихий архитектуравий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлганларининг жами сони – 107 тани ташкил этади.

Жумладан:

- I категорияга тегишли бўлган турар-жой бинолари – 36 та;
- II категорияга мансуб бўлган турар-жой биноларининг сони – 30 та;

- III категорияга кирадиган уйлар сони – 41 та.

Турар-жой биноларининг техник ҳолати:

т/р	номи	Яхши ҳолат да	Қониқарли ҳолатда	Қониқарсиз ҳолатда	Авария ҳолатида	Бузилган ҳолатида	Ҳаммаси	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	Анъанавий типдаги уйлар Жумладан:	464	755	213	89	12	1533	
	I категорияли уйлар	8	16	11	1	-	36	
	II категорияли уйлар	3	16	9	2	-	30	
	III категорияли уйлар	8	26	6	-	1	41	
2.	Якка тартибдаги замонавий уйлар	115	39	1	2	-	157	
	Жами	597	852	240	94	13	1797	

Жамоат вазифаларини бажаришга мўлжалланган турар-жой бинолари

т/р	Манзил, кўча, уй номери	Мураккаблик категорияси	Техник ҳолати	Ҳозирги вақтда нима мақсадда фойдаланилади	изоҳ
1	2	3	4	5	6
1.	Гагарин кўчаси 20 уй	I	қониқарли	БТИ	
2.	Ленинград кўчаси 63 уй	I	қониқарсиз	Мактаб	
3.	К.Маркс кўчаси 64 уй	II	қониқарли	Пионерлар уйи	Ҳозирги вақтда БТИ ва мактаб
4.	Киров кўчаси 48 уй	III	қониқарли	Болалар боғчаси	ГПТУ янги бинога кўчирилган
5.	Крим кўчаси 50 уй	II	қониқарли	ГПТУ	

Монументал архитектура ёдгорликлари – 21 та.

Жумладан:

- жамоат архитектура ёдгорликлари – 3 та
- маданий архитектура ёдгорликлари – 10 та
- ҳарбий-мудофаа меъморий ёдгорликлари – 8 та

Боғ-ҳиёбон архитектураси ёдгорликлари (Нуруллабой, Рафинак боғлари) – 2 та

Монументал санъат ёдгорликлари (монументал ҳайкалтарошлик) – 3 та

Дишан-қалъа ҳудудида тўртта ҳовуз жойлашган (Ота-ҳовуз, Боғча-ҳовуз, Бол-ҳовуз, Тўра-ҳовуз). Улардан Бол ва Тўра ҳовузлар ташландик ҳолатда қолган.

Турар-жой типдаги архитектура ёдгорликларини натуравий тадқиқ қилишдан олинган материалларни умумлаштириб ва бу мавзу бўйича илгари

бажарилган лойиҳавий ва илмий-тадқиқот ишларидан фойдаланган ҳолда қуйидаги ишлар бажарилди:

- монументал архитектура паспортлари тайёрланди (№1 альбомга қаранг);
- кадр қиммати бўйича I, II, III категорияли турар-жой биноларининг анкеталари тўлдирилди;
- I категорияли анъанавий турар-жой уйлари архитектуравий тадқиқ қилинди яъни архитектура нуқтаи назардан ўлчашлар бажарилди (№3 альбомга қаранг).

2.3. Меъморий ёдгорликлари

Замонавий шаҳарсозлик вазияти.

Тадқиқ қилинаётган ҳудуд – Хива шаҳрининг тарихий зонаси Ичан-қалъа ва Дишан-қалъа деворлари билан чегараланган кенг майдонни эгаллаган ва унинг юзи 230 га ни ташкил этади, жумладан қалъа деворлари билан биргаликда Ичан-қалъа ҳудуди 34 га ни ташкил этади.

Ичан-қалъа ЎзССР Министрлар Советининг 1967 йил 30 ноябрдаги 616-сонли қарорига асосан давлат архитектура музейи деб эълон қилинди. Ҳозирги вақтда ушбу зиёратгоҳ ҳудуди бўйича махсус ишлаб чиқилган ва тасдиқланган реконструкция ва ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш бош режасига асосан архитектура ёдгорликларини реставрация қилиш ва уларни замонавий эҳтиёжларга мослаштириш ҳамда саёҳларга хизмат кўрсатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шунинг учун мазкур илмий ишда фақат кўриқхона атрофидаги тарихий зона ҳудудидаги қурилиш тадқиқ қилинади.

Дишан-қалъанинг деворлари 11та дарвозага эга. Қўй-дарвоза ва Қўша-дарвозалардан бошқа барча дарвозалар бузилиб кетган.

Дишан-қалъа ҳудудини Сирчали сув артерияси кесиб ўтган. Шимол тарафдан ушбу тарихий зонани Полвон-ёп канали, жануб томондан эса Заҳкаш канали чегаралайди. Ғарбий қисмда Нуруллабой, Нуруллабек ва Рафинак каби хонларнинг боғ-саройлари жойлашган.

Ушбу ҳудудда мавжуд бўлган 13 та ҳовуздан ҳозирги вақтда учтаси сақланиб қолинган. Шу учта ҳовуздан икkitаси ташландиқ ҳолатидадир. Чапаев, Гагарин, Ленин ва Октябрь 50 йиллиги кўчаларининг асосий транспорт магистраллари бўйлаб аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари қурилган.

Гагарин ва Октябрь 50 йиллиги кўчалари оралиғида шаҳарнинг ижтимоий-маъмурий мажмуаси қурилган. Аль-Хоразмий музейи, саноат моллари дўконилари, “Хоразм” меҳмонхонаси, шаҳар ижроия қўмитаси бинолари бунёд этилган.

Ичан-қалъанинг шарқий дарвозаси атрофида бозор жойлашган.

Дишан-қалъанинг ғарбий қисмида анъанавий турар-жой уйлари билан бир каторда яшил ўсимликлар, дарахтлар ўтказилган катта участкалар – шаҳар истироҳат боғи (Нуруллабой саройи ёнида), Қорақум НИСнинг тажриба участкаси, мевали боғ жойлашган бўлиб, ушбу мевали боғ атрофида ўтган асрнинг 80-йилларида мусиқа мактаби ва пионерлар саройи барпо этилган.

Жанубий қисмда саноат бинолари, гилам тўқиш фабрикаси, қатор омборхоналар ҳамда базалар тикланган.

Бузиб ташланган Рафаник саройи участкасида замонавий икки қаватли: мактаб, болалар боғчаси, ТИМСХ институтининг филиали бинолари қурилган. Октябрь 50 йиллиги кўчаси ёқаси ва Гагарин кўчаси бўйлаб секцияли типдаги икки қаватли турар-жой бинолари қурилган.

Дишан-қалъанинг жанубий-шарқий қисмида “планли” уйлар деб номланган бир қаватли бинолар қурилган.

Тарихий зона ҳудудида учта эски қабристон мавжуд: Улардан биттаси Бикажан-бика мажмуаси ёнида, иккинчиси Ичан-қалъанинг жанубий-шарқий қисмида Бол-ҳовуз ёнида ва учинчиси Тўрт-Шаббоз мажмуаси ёнида жойлашган (ўтган асрнинг 80 йилларида бу участка тозаланган ва қайта режалаштирилган).

УзНИИП шаҳарсозлик институти томонидан ишлаб чиқилган Хива шаҳри марказининг ПДПсида турар-жой кварталлари жойлашган кўчаларнинг асосий қисми меридиал ориентацияга эга. Тарихий зона ҳудудида **Ленин, Тинчлик, Қорақум, Гагарин, Октябрь 50 йиллиги, Киров ва К.Маркс** кўчалари энг гавжум кўчалар деб ҳисобланади.

Шаҳар марказий қисмидаги асосий магистрал бу Гагарин кўчасидир: Бу кўча шимолдан жанубга қараб шаҳарни кесиб ўтади ва шаҳардан Урганч шаҳрига ҳамда шаҳар ташқарисидаги Тоза-боғ сарой мажмуасига Қишлоқ хўжалик техникуми, Қорақум орқали чиқишини ўзаро бирлаштиради.

Ленин кўчаси Қалъа девори орқали ўтади, бу кўча нисбатан яхши кўкаламзорлаштирилган, унинг давоми Карл Маркс кўчаси бўлиб, ундан Янгиариқ туманига чиқилади ва сўнгра Хозарасп туман маркази ва шаҳар бозорига йўналган.

Жанубда айланма магистрал бўлиб, у фақат машиналар қатнов қисми ҳисобланади. **(ПДП центральной части г.Хивы. УзНИИП градостроительства, Т.,1983. Стр.49.)**

Анъанавий турар-жой мавзе(квартал)ларидаги турар-жой бинолари орасидаги кўчалар асосан энсиз, эгри бугри бўлиб, уларнинг атрофи деярли

кўкаламзорлаштирилмаган ва жадал транспорт ҳаракатини ташкил этишнинг иложи йўқ.

Асосий транспорт боғланишлари Гагарин, Октябрь 50 йиллиги, Ленин, Қорақум, К.Маркс ва Дзержинский кўчалари орқали амалга оширилади. (ПДП центральной части г.Хивы. УЗНИИП градостроительства, Т.,1983. Стр.49.)

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Хиванинг 2500 йиллик юбилейидаги маърузаси. 1997 й 20 октябрь.
2. Узбекистон Республикаси энциклопедияси. Т. 1997 й
3. Узбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараккиёти. 1 қисм. Т 2000 й
4. Пугаченкова. Г. Шедевры Средней Азии. Т. 1986 й
5. Хоразм ҳақиқати. Юбилей сони. 1997 й октябрь
6. Хива журнали. 1993 й. 2-3 сонлари, 1994 й 4-сон.
7. Хива-тарихий меъморий альбом. Т. 1988 й
8. "Хива-2500" тарихий обидалар альбоми. Т. 1997 й
9. Абдулла Абдурасулов "Хива" Т. 1997 й
10. Худайберганов К. Хива хонлар шажараси. Хива. 1996 й
11. Хива - минг гумбаз шаҳри. Т. 1997 й.
12. Хива - жаҳон маданияти дурдонаси. 1997 й.

III-боб. Тўрт Шаввоз мажмуаси меъморий ёдгорликларини сақлаш ва фойдаланиш

Меъморий обидалардан фойдаланиш амалиёти ва муаммолари. Ҳар бир меъморий обида муайян бир минтақа, маълум бир давр маданиятининг раўнақи, қурилиш услубияти, ота - боболаримизнинг ақл - заковатлари ҳақидаги тушунчаларимизни бойитишга қаратилган. Қолаверса, меъморий обидаларни таъмирлаш ишларини тўғри ташкил қилиб, улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш, шу йўл билан уларни сақлаб қолиш, ҳаётга қайтариш йўллари ахтармоқлигимиз даркор.

Меъморий ёдгорликларни борлигича сақлаб қолиш, уларни фақат томошага яроқли қилиб таъмирлаш билангина эмас, балки улар билан инсон алоқасини янада жонлантиришга, яъни уларни замонага хос хизмат кўрсатиш турларига мослаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Меъморий ёдгорликларни замонавий мақсадларда фойдаланишга мослаштириш биринчи навбатда ёдгорликни ва унинг маънавий моҳиятини деярли ўзгартирмасдан сақлаб қолишни кўзда тутилиши шарт. Бу ерда асосий эътибор бир томондан, меъморий обиданинг бошланғич бадиий ифодасини, ҳажмий-фазовий ва режавий тузилишини (уйғунлигини) сақлаб қолишга қаратилмоғи, иккинчи томондан эса ёдгорликни "янги" объект сифатида фойдаланишда барча қўлай шарт-шароитларни яратишга қаратилмоғи зарур. Бу борадаги асосий муаммо обидани таъмирлаш, обиданинг қайси замонавий хизматлар турига яроқли ва уни қайси муайян хизматга мослаштириш мақсадга мувофиқлигини тўғри аниқлашдир. Бу соҳада Республикамиздаги “Ўзбектаъмиршунослик” - Ўзбекистан меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва фойдаланишга мослаштириш очик акционерлик жамияти орттирган илмий ва амалий тажрибалар, айниқса, диққатга сазовордир. Илмгоҳда меъморий обидаларни таъмирлаш, сақлаш ва замонавий мақсадларда фойдаланишга тегишли катор тавсияномалар ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ қилинди.

1.1. Тўрт Шаввоз мажмуасининг шаклланиш босқичи

Тарихий ёдгорликларини таъмирлаш ҳам умумий, яъни меъморий ёдгорликларни таъмирлашда қоидаларига бўйсунди. Ўзига хос хусусияти шундан иборатки, муайян тарихий даврга алоҳида эътибор берилади.

Ёдгорликнинг тарихий қийматини очишда икки қарама - қарши йўл бор. Биринчиси: ёдгорликка тарихий ҳужжат деб қаралади ва асосан консервация ҳамда жузъий таъмирлаш билан кифояланади. Иккинчиси: биринчисига қарши йўл бўлиб, ёдгорликни муайян, тарихан қийматли шахс ва воқеа билан боғлиқ даврдаги ҳолат қайтарилади. Томошабин ўша даврга кириб кетгандай бўлади (“эффект

присутствия”). Иккинчи йўл кўп ҳолларда тўла таъмирни талаб қилади. Баъзан сохталикка яқинлаштириб қўяди. Биринчи йўл замонавий таъмир назариясига мос келсада, амалда иккинчи йўл кўп қўлланилади. Икки йўлдан бирини танлашда муайян шароитга қаралади. Ечим танлашда ички жиҳознинг (мебел, буюмларнинг) ҳам таъсири назарда тутилади.

Тарих ёдгорлиги айни вақтда меъморий ёдгорлик ҳам бўлганда, тарихий аслиятни сақлаб қолиш истаги бадий жиҳатларни тўла очиш истагига қарши туриши ҳам мумкин. Муаммони ҳал қилишда кўпчиликнинг фикрига таяниш керак бўлади.

3.2. Мажмуанинг ҳозирги ҳолати таҳлили

Ҳозирги пайтда ёдгорлик атрофидаги худудда тартибсиз қурилган турар-жой бинолари уни чор атрофдан сиқиб қўйиб, обидани қўриқлаш зонасига путр етказилган, ёдгорликнинг ўзи эса кўп талафот курган. Ёдгорликнинг умрбокийлигини ошириш мақсадида тегишли муҳандислик - техник чораларни кўриш, обидани таъмирлаш ва ундан фойдаланиш йулларини ахтариш лозим. Ишратхона атрофидаги майдон кенгайтирилиб ушбу худудда қадимги шарқона услубдаги истирохат богининг ҳеч йўқса бир қисмини: чорчаман ва хиёбон бунёд этмок, обида майдонида эса музей, маҳалла кумитаси, жамоа маркази ёки Бошқа хизматларни ташкил этишни уилаб қуриш лозим.

Бинонинг сақланиши яхши кечиб, асосий қурилмалари талофот кўрмаган, лекин жузъий бузилган жойлари бор обидаларни уларнинг дастлабки функциявий моҳияти, тарихий аҳамияти, шаҳарсозликда тутган ўрни, жойланишига қараб замонавий хизмат турига мослаштиришдан асосий мақсад бинони борлигича ташқи, ички кўриниши, режавий тузилиши, қурилмалари, безаклари, ғоявий-бадий тимсолини сақлаб қолиш ва мажмуанинг мавжуд эстетик ва ижтимоий моҳиятини унга берилаётган янги хизмат қўламига мослаштириб замонавий мақсадларда фойдаланнишдир.

Тарихий шаҳарлардаги меъморчилак обидаларини қайси мақсадларда фойдаланишга тақлиф этиш мумкин? Мавжуд тарихий биноларни замонавий мақсадларда фойдаланиш учун биринчи навбатда тарихий обидани янги замонавий функцияга мослаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилиши лозим. Обидани янги хизмат функциясига мослаштиришда асосан қуйидаги омиллар эътиборга олиниши тавсия этилади. Биринчидан, меъморий ёдгорлик жойлашган муҳитда ҳаётнинг қайси хизмат турларини ташкил қилишга зарурият борлигини аниқлаш керак. Сунгра ёдгорликнинг, яъни бинонинг дастлабки функциявий моҳияти, ҳажмий-режавий, композицион тузилиши ва меъморий имкониятлари ушбу заруриятларнинг кўпроқ қайси бирига мос тушиши, шу функцияларнинг қайси бири ҳам ёдгорлик учун, ҳам шаҳарсозлик ва ижтимоий ҳаёт учун самарали бўлишлигини ўйлаб кўриш лозим.

Бунда ёдгорликнинг режавий тузилиши, тархи, тарзи ва ички кўриниши, асосий қурилмаларнинг қай даражада сақланганлик хусусиятларини аниқловчи шартлар бўлиб хизмат килади. Янги танланган функциянинг бино меъморий - режавий тузилишига салбий таъсир кўрсатмаслиги, бинонинг ҳар жиҳатдан яхши мустаҳкам сақланишига самарали фойда келтирилиши лозим. Янги функция ёдгорликнинг қурилмаларига, бадий ва тарихий - ижтимоий моҳиятига, бино ички ва ташқи муҳитига зарар эткизмаслиги керак. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда мажмуадаги меъморий ёдгорликларни замонавий мақсадларда фойдаланишга мослаштириш таснифини қуйидагича кўринишда тавсия этиш мумкин:

- турар-жой ва яшашга, тахсил олишга мўлжалланган тарихий биноларни (турар - жой, мадрасалар, карвонсаройлар, работлар, хонакохларни) дастлабки функциялари ва режавий ечимларини эътиборга олиб меҳмонхоналар, ширкатхоналар, ётоқхоналар, мотеллар, кемпинглар, сайёҳлар ва экскурсия манзилларига мослаштириш;
- савдо-сотиқ иншоотлари (ток, тим ва чорсуларни) ўз навбатида замонавий савдо корхоналари, савдо марказлари, магазинлар, савдо дўконлари, расталари ва кўرғазмаларига мослаштириш;
- ибодат биноларни (масжидлар, миноралар, намозгоҳларни) кўрғазма ва экспозиция заллари, халқ хунармадчилиги уйлари, музейларга мослаштириш, зарурат туғилганда эса масжид ва минораларни ўз функцияларига қайтариш;
- саройлар ва кўрғонларни ўз навбатида сайёҳлар мажмуасига, йирик музейларга, ресторанларга, ошхоналарга, қахвахоналарга, чойхоналарга ва шунга ўхшаш муассасаларга мослаштириш;
- фукаро биноларини (ҳаммомлар ва бошқа меъморий ёдгорликларни) умумий хизмат кўрсатиш ва соғломлаштириш муассасаларига-ҳаммом, маиший хизмат уйлари, кўрғазмалар, санаторияларга мослаштириш.

Таклиф этилаётган функцияга мослаштириш кенг қўламга эга бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда давлат ихтиёридаги кўпгина собиқ масжид ва мақбаралар диний ташкилотларга қайтариб берилмоқда. Эҳтимол кўпгина ёдгорликларнинг диний ташкилотлар ихтиёрига қайтариб берилиши меъморлик обидаларининг сақланиб қолинишига омил яратиб қолар. Аммо юқори даражадаги бадий ва ижтимоий моҳиятга эга бўлган меъморий ёдгорликлар, масалан Бухородаги Арк, Хивадаги Ичан қаъла мажмуа ёдгорликлари асосан маънавий мақсадларида: миллий музейлар,

кўргазмалар ёки меъморий томоша манзилгоҳлари, очиқ хавод миллий театрлар сифатида фойдаланилса, мақсадга мувофиқ.

3.3. Мажмуадаги меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва замонавий функцияларга мослаштириш

Ёдгорлик умрини узайтиришнинг воситаси уни ҳозирги ҳаётга фаол киритишдан иборатдир. Бунга икки йўл: таъмирлаш ва мослаштириш йўллари билан эришилади. Таъмирлашда обидага у ёки бу ўзгартиришлар киритилади. Демак, ички тизим, яъни қисмларнинг аввалги ўзаро боғлиқлиги бузилади. Таъмирлаш ишида дастлабки режаланган ҳолат тикланмайди, балки бузилган ва қўшимча қилинган ёдгорлик сақланади. Охирги вақтдаги ҳолат ҳам ёки энг оптимал вақтдаги ҳолат ҳам тикланмайди, балки ёдгорликнинг бадиий сифатлари ҳамда тарихий қийматлари очиб берилади.

Бадиий қиймат дейилганда дастлабки ҳолатдан ташқари, кейинги ҳолатлар ва ёдгорлик билан муҳит орасидаги боғлиқликдан иборат қиймат тушунилади. Таъмирлашда меъморнинг лойиҳаси сақланган бўлсада, дастлабки режа амалга оширилмайди. Чунки қўшимчаларни назарда тутиш лозим бўлади. Ундан ташқари кўп лойиҳалар қурилиш жараёнида тузатишга учраган бўлади.

Обидаларнинг кейинги қатламлари қолдирилиши ва қолдирилмаслиги мумкин. Ёдгорликда мумкин қадар асл қисмларни сақлаш зарур. Фақат фавқулоддаги ҳолатда аслини алмаштириш мумкин. Таъмирлаш жараёнида киритилган ўзгаришлар сигнация воситасида кўрсатилади. Сигнация - янги қисмларни ажратишдир. Асл ва янги қисмлар ўртасидаги миқдор муносабати ҳар бир ҳолатда алоҳида ҳал этилади.

Ёдгорликда асл қисмлари кўп бўлиши керак. Ёдгорлик бинонинг бутуни ёки бир бўлаги бўлиши мумкин.

Юқорида ёдгорликларнинг аломати ва сифатлари туғрисида гапирилди. Энди таъмирлаш амалиёти туғрисида гап юритамиз. Амалиётда ёдгорликларда қўлланиладиган ишлар 3 хилга:

- А) тузатиш (ремонт);
- Б) консервация (қотириш);
- В) таъмир;

ишларига бўлинади. Бу фарқлаш шартлидир. Лекин у ишларни бажаришда қўлланиладиган ҳужжатларнинг таркибини ҳамда уларни қабул қилиш тартибини белгилайди. У ёки бу иш хилини бажаришдан аввал ёдгорлик албатта тадқиқ қилиниши керак.

А) Тузатиш (ремонт) - дамба-дам ўтказилиб туриладиган ишлар бўлиб, оддий қурилиш услублари билан олиб борилади. Сақланиши лозим бўлган

қисмларни аниқлаш учун алоҳида тадқиқот олиб борилади. Кўпинча тўзатиш вақтида таъмир ишлари қўшилади: аввалги қисмларни очиш, айрим қисмларни тиклаш ва ҳ.к.

Б) Консервация - ёдгорликни сақлаш мақсадида олиб бориладиган ишлардир. Консервациянинг икки тури мавжуд:

- Биринчиси: тез бузилиб кетишини бартараф этиш учун қилинади; масалан тиргак ўрнатиш, устини ёпиб қўйиш ва ҳ.к. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу усул кенг қўлланилди. Буни муҳандислик таъмири деб атаса ўринли бўлади;
- Иккинчиси: мураккаброқ ишлар бўлиб, ўзоқ вақт таъсир этадиган салбий омиллар бартараф этилади; масалан асос ва пойдеворни мустаҳкамлаш, конструкцияларнинг қувватини ошириш, боғичлар ўрнатиш ва бошқалар.

Консервацияда таъмирнинг айрим унсурлари ишлатилади. Консервация кейинчалик ёдгорликни очиш имкониятидан маҳрум қилиб қўймаслик керак. Консервациядан аввал нафақат муҳандислик ва технологик тадқиқот, балки жиддий меъморий тадқиқот ҳам ўтказилиши лозим. Обидага Янги кўринмайдиган конструкция хилларини ишлатиш маъқул. Консервация ишлари алоҳида пухталиқ билан олиб борилиши, қўйиладиган талабларга қатъий риоя қилиниши лозим.

Консервациянинг муҳим тури ҳаробаларни консервациялашдир. Ҳароба деб қадимдан анчагина бузилган бино тушунилади. Улар бузилган ҳолда бўлсада, ёдгорлик ҳисобланади. Ҳаробаларнинг баъзилари археологик ишлар натижасида очилган. Ҳаробалар айрим ҳолларда у ер, бу ердаги бўлақлардан ташкил топади. Бу унга алоҳида таъсирчанлик бахш этади. Консервацияни бажаришда таъсирчанлик мумкин бўлганча сақланиши керак. Шу билан бирга ҳаробаларни тартибга келтириш ҳожати ҳам туғилади. Бу 2 усулда: 1-чиси аностилоз - жойи ўзгарган бўлақларни ўз ўрнига ўрнатиб қўйиш ва 2-чиси ободонлаштириш усулларида фойдаланиб, йўқ бўлиб кетган девор, устун кабиларнинг ўринларини фарш этиш (тош қўйиб қўйиш) орқали қондирилади.

В) Таъмирлаш - энг мураккаб, комплекс ишдир. Асосий мақсади - ёдгорлик ҳаётини узайтириш. Таъмирлаш консервация ва ремонтни ҳам ўз ичига олади.

Ўрта Осиё обидаларини тиклашда архитектор Б.Засипкин ёдгорликни меъморий археологик услубда ўрганишга алоҳида эътибор берди. У: «...кўпинча сақланган қисмларни аниқлаш уни мустаҳкамлаш билан қиёяланмайди. Баъзан эса оддийгина очиб қўрилади ва кейинги

катламлардан тозаланади» - деб ёзган эди. И. Грабар ва Б. Засипкин археологик таъмирлашнинг принципларини амалда синадилар.

И.Грабар ҳам таъмирни - консервация тушунчаси билан боғлайди ва у обидани сақлаш шароитларини яхшилаш чорасини кўришда қўлланилиши ва таъмирлашнинг икки томони “очиш” ва “тиклаш” кераклиги ҳақида айтиб ўтган. Унинг фикрича: - “... очиш, агар ҳеч қандай тарихий ва бадиий сифат йўқолмаса тиклашдан устундир. Бошқа чора қолмагандагина обидани таъмирлаш мумкин”.

Таъмирлаш ёдгорлик қиёфасини анча ўзгартиради. Бунга ёдгорликнинг бадиий қийматларини тўла очиш амаллари сабабчи бўлади. Аксари фақат гумонсиз тасдиқ топилган қисмларгина тикланади. Стилистик таъмир уюштирмасликка ҳаракат қилинади, кейинги қатламларнинг қиймати ҳам сақланади. Бундай таъмир жузъий (ёки фрагментар) таъмир дейилади. Бу консервация доирасини кенгайтириш демакдир. Жузъий таъмир билан консервация орасида аниқ чегара ўтказиш қийин.

Таъмир, жумладан жузъий таъмир икки жараёндан: очиш ва бўзилган қисмларни тиклаш амалларидан иборат. Очиш фақатгина олиб ташланаётган қатламнинг камқийматлигини ва аксинча, очилажак қатламнинг катта қийматлигини очиқ муҳофафада тан олингандагина бажарилади. Очиш— очмасликни бир киши ҳал қилиши мумкин эмас. Агар бу иш натижасида мустаҳкамликка путур етказилса, қатлам очилмайди. Очилган қисмларнинг сақланишини таъмирлаш зарур.

Эски ашёларнинг деструкцияси (тузилишининг ўзгариши) ҳам назарда тутилиши лозим. Оддий ҳолларда таъмирлаш фақат очишдан иборат бўлади. Таъмир фақат тиклашдан иборат ҳам бўлиши мумкин. Ўпирилган жойларни тўлдириш, кўрғон кўприкларни тиклаш каби. Лекин одатда таъмирлашда очиш ва тиклаш турли нисбатларда қўлланилади.

Тўлдириш - йўқолган қисмларни тиклашдан иборатдир. Тўлдиришда ишлатиладиган янги ашёларни ажратиш учун - сигнация қўлланилади. Ҳар доим ҳам қўллашга ярайдиган сигнация ишлаб чиқилмаган. Янги қўшимчаларни ранг ва фактура билан ажратиш археологик ёдгорликлар учун одатда қўл келади. Чунки, аксари уларда композицион яхлитлик йўқ. Бошқа ҳолларда қўшимчаларни тусланиш (нюанс) билан ажратиш мақбулдир. Сигнация билан умуман ҳамма янгиликларни эмас, балки муҳим янги қўшимчалар ажратилади. Янги қисмларни кўпроқ рангли ёки ботик чок билан ажратилади. Аксари ҳолларда асосий ашё қўшимча қилингандагина ажратилади. Сувоқ остида ёки бирор қоплама остида қолиб кетадиган қисм ажратилмайди. Кўп ҳолларда янги қўшимчаларни ажратишга ҳожат ҳам қолмайди; асрлар гардининг ўзиёқ эски ва янги ашёни ажратиш қўяди.

Тўла таъмирнинг жузъий таъмрдан фарқи, ишлар кўлами билан эмас, балки мақсади - обидани эски қиёфасига қайтариш билан фарқланади. Тўла таъмирлаш камдан-кам қўлланилади. Бизнинг замонимизда бузилган ёдгорликларни тўла таъмирлаш аксари ҳолларда мақсадга мувофиқдир. Унинг учун етарли ўлчов ва бошқа ҳужжатлар зарур бўлади. Аниқ геометрик шаклга эга бўлган нақш ҳам тўла тикланиши мумкин. Бунда у ҳужжатийликни йўқотади, лекин бу усул бадиий композицион яхлитлик учун ишлатилади.

Мазкур усул Ўрта Осиё обидаларида ҳам ишлатилади. Деворлардаги равоқлар ва бошқа бўлинишлар сирли қопламалар ёрдамида чиқарилади. Бу керакли ритм ва нисбатларни таъминлайди. Бироқ четлари сиркор хилиб (ғиштлар билан) чиқарилган намоён ичлари нақш билан тўлдирилмайди, балки уни терилган ғиштлар билан кўрсатиб қўйилади.

Меъморий ёдгорликларни таъмирлаш уларни мослаштириш билан боғлиқ. Ёдгорликлар тарихий ва бадиий қийматдан ташқари моддий утилитар қийматга ҳам эга. Меъморий обидаларнинг бошқа санъат ёдгорликларидан фарқи ҳам шунда. Айрим меъморий ёдгорликларнигина фақат томоша қилиш учун фойдаланилади.

Утилитар қиймат ёдгорликларнинг хиссий, эмоционал таъсирини ҳам кучайтиради. Аввал ёдгорликлардан утилитар мақсадларда фойдаланишни салбий, қутулиб бўлмайдиган жараён деб тушунилган. Ҳозирги вақтда ёдгорликдан фойдаланиш икки томонлама ҳам моддий, ҳам маънавий фойда келтиради деб ҳисобланади. Маънавий фойдаси юқорида айтилгандек хиссий таъсирни кучайтиради, моддий фойдаси ёдгорликнинг ҳаётини узайтиради.

Обидани тўғри ифодаланишнинг энг дастлабки талабларидан бири унга мос келувчи янги функцияни танлаш талабидир. Ёдгорликка янги функция бериш талабларидан яна бири - ёдгорлик биноси ёки мажмуаси учун функциянинг яхлитлиги, яъни ягона мақсадда фойдаланишдир.

Бадиян юқори, машҳур меъморий ёдгорликлар учун музейлаштириш, яъни уларда тўла томоша қилиш имкониятини яратиш зарур. Музейлаштиришни музей учун_мослаштиришдан фарқлаш зарур. Музейга мослаштиришда келтирилган экспонатларни томоша қилиш учун шароит яратилади. Музейлаштириш эса ёдгорликнинг ўзини музейга айлантириш демакдир.

Обидани мослаштиришда кейинчалик кенгайтишни талаб қилувчи функциялар одатда киритилмайди. Ёдгорликларда янги эшик, дераза очиш, зина қуриш каби ўзгартиришлар аксари қилинмайди. Фавқулоддаги ҳолларда ёдгорликнинг асосий бўлмаган қисмлардагина ўзгартиришга рухсат этилади.

Ёдгорликка янги функция бериш талабларидан яна бири - ёдгорлик биноси ёки мажмуаси учун функциянинг яхлитлиги, яъни уни ягона мақсадда фойдаланишдир.

Янги функцияни тўла адо этилиши учун ёдгорликни унга мослаштириш зарур. Мослаштириш имкониятлари таъмирлаш имкониятларидан келиб чиқади. Шу билан бирга таъмирлаш вақтида мослаштириш вазифалари ҳам назарда тутилиши керак. Ҳозирги вақтда таъмирлаш ва мослаштириш масалалари комплекс равишда ҳал этилиши керак деб ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этишда алоҳида олинган обидалар устида иш қуриш эмас, балки тарихий шаҳарнинг эски қисмида маҳаллаларда иш олиб бориш лозим. Бундай тарихий маҳаллаларда машҳур ёдгорликлар билан бир қаторда кўплаб оддий ёдгорликлар мужассам бўлади. Мазкур, комплекс ҳал этиш усул кўп мамлакатларда тадбиқ этилади ва уни ревалоризация, (яъни қийматни тиклаш) деб аталади. Бунда ёдгорликнинг нафақат меъморий - бадиий қийматининг, балки эксплуатацион қийматининг тикланишини ҳам таъкидлаш зарур.

Мослаштириш жараёнида янги функцияни амалга ошириш учун жорий мезонлар (нормативлар) билан ёдгорликни сақлаш талаблари ўртасида қарама - қаршилик вужудга келиб қолиши лозим. Таъмирлашнинг «компромис» ечимида ёдгорлик қисмларининг нисбий қийматлари ҳам назарда тутилиши мумкин. Мажбуран киритилган эшик, дераза, зина каби янгиликлар ўтмиш билан ҳамохангликда, фаол мулоқатда бўлиши керак. Мазкур масалани ҳал қилишда уч йўналишда иш олиб борилади:

1 - йўналиш. Ёдгорликдаги янгилик ўтмиш усулида бажариш. Бу йўналиш аввал кенг қўлланилган. Бироқ унда ёдгорликни сохталаштириб юбориш хавфи бор. Замонавий таъмирлаш назариясида бу кенг қўлланилмайди, уни жуда эҳтиётлик билан қўллаш тавсия этилади.

2 - йўналиш. биринчисига қарама - қарши йўналиш; янги меъморий унсурларда тарихий услублардан кескин фарқланадиган замонавий услуб қўлланилади. Лекин бу йўналишда ҳар доим ҳам таъсирчанликка эришилавермайди. Интеръерда қанчалик қадимги безаклар кам сақланган бўлса, янги унсурларни таъсирчан қилишда одатда имконият шунчалик кўпроқ бўлади.

3 - йўналиш аввалги иккисининг ўртасидаги йўналишдир. Очиқчасига замонавий унсур қўлланилади, бироқ эскисига буйсундирилади. Бу йўналиш энг қийин бўлсада, уни кенг тадбиқ этиш тавсия этилади.

Ёдгорликни мослаштиришда уни мухандисона жиҳоз билан таъминлаш зарур бўлади. Аммо у ёдгорликка ҳалал бермаслиги лозим. Мослаштириш масаласини ечиш таъмирчи - меъмор зиммасида бўлиши лозим.

3.4. Мажмуанинг туризм йўналиши ечими

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан туризмни ривожлантириш устувор масалага айланди. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини ривожланишини бешта босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (ўз ичига 1992 йилни олади). Ушбу босқич республикамизда миллий туризмнинг дастлабки шакллантирилиши билан характерланади. Бу босқичда туризм инфратузилмасида етакчи ҳисобланган “Ўзбектуризм” Миллий компаниясига асос солинди.

Иккинчи босқич (1993-1995 йиллар). Бунда туризмнинг миллий ривожланиш модели ишлаб чиқилди. Ушбу босқич туристик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ошиб бориши билан биргаликда янги туристик йўналишларни ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатишни яхшилаш, туризмнинг моддий – техник базасини кенгайтириш, бошқарувнинг ташкилий структурасини такомиллаштириш ва бошқа шу кабилар билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни юзага келтирдик, уларни фақатгина “Ўзбектуризм” миллий компанияси доирасида ҳал этиш имкони бўлмай қолди. Компания туристик операторлар билан тўғридан – тўғри алоқа қилиш мақсадида Германия (Франкфурт-Майн), Буюк Британия (Лондон), АҚШ (Нью-Йорк), Бирлашган Араб амирликлари (Шаржа) ва Россия (Москва) каби мамлакатларда ўзининг ваколатхоналарини очди.

Учинчи босқич (1995-1997 йиллар). Бунда туристик хизматлар соҳасида хусусийлаштириш жараёни бошланди. 1996 йилнинг бошларида “Ўзбектуризм” миллий компанияси тизимидаги туристик объектлар умумий миқдорининг 90 фоизига яқини давлат тасарруфидан чиқарилди.

Тўртинчи босқич (ўз ичига 1998 йилни олади). Кўплаб мутахассисларнинг баҳолашларича, бу босқичда экспорт салоҳиятини ошириш, валюта, туристлар, инвестицияларнинг барқарор оқимини таъминлаш учун имконият яратилди. Республикада миллий туризмни жаҳон андозалари даражасида шакллантириш, туризмга билвосита тегишли бўлган хизмат кўрсатиш инфратузилмасини, хусусан, туристларни хориждан кутиб оладиган чегара, божхона ва аэропорт хизматларини қайта шакллантириш бошланди.

Бешинчи босқич (1999 йил майдан ҳозирги давргача). Ушбу босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризмни ривожлантиришнинг давлат дастури тўғрисида”ги Фармони нафақат мамлакатдаги миллий ва халқаро туризмни тутган ўрнини мустаҳкамлаш учун сиёсий асосни шакллантирди, балки унинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш

имкониятини берди. Ушбу меъёрий ҳужжат асосида туристик корхоналарга кўшимча бож имтиёзлари берилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналарида туризм бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Ушбу йилнинг август ойида мамлакат Парламентида “Туризм тўғрисида”- ги Қонун қабул қилинди ва бунинг натижасида туризм соҳасини фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди.

Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг ривожлантириш учун тўртта асосий туристик минтақа мавжуд бўлиб, улар Фарғона, Самарқанд – Бухоро, Тошкент ва Хоразм туризм минтақаларидир.

Фарғона туризм минтақаси Фарғона водийсини ўз ичига қамраб олади. Унинг туристик ресурслари археологик қазилмалари ва меъморчилик обидалари, қулай табиий шароитлар, анъанавий халқ ҳунармандчилиги ва санъати маҳсулотлари, саноат ва аграр комплекслардан иборат. Бу ерда автомобил ва темир йўлларнинг кенг тармоғининг мавжудлиги ҳам Фарғона минтақасидан туризм мақсадларида фойдаланишга, унинг бутун ҳудудида туризм базалари ва дам олиш масканларини жойлаштиришга имконият яратади.

Тошкент туризм минтақаси келгусида туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун универсал имкониятларга эгадир. Мазкур туризм минтақасидаги маданият ёдгорликлари, пойтахт вилоятининг бугунги ҳаёти, қурилишлар, янги шаҳар ва қишлоқлар, замонавий маданият, минтақанинг табиати, бой ландшафти, ранг-баранг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси унинг диққатга сазовор бўлишига сабаб бўладиган муҳим омилдир. Автомобил ва темир йўллари тармоғи Тошкент туризми минтақасидаги туризм марказларини бир-бири билан боғлайди ҳамда шаҳар атрофидаги темир йўл ва автомобил туризмни ривожлантиришга имкон беради.

Самарқанд – Бухоро туризм минтақаси Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятларини ўз ичига қамраб олади. Самарқанд ва Бухородаги бутун дунёга машҳур меъморчилик обидалари ушбу минтақадаги туризмни ривожлантирилишига асос ҳисобланади. Бундан ташқари, Зарафшон дарёси орқали ўтувчи темир йўл ва кенг тармоқдаги шоссе йўллари, Зарафшон тоғ тизмаси орқали ўтган унчалик баланд бўлмаган доvonлар ва яхши трассалар минтақада туризмни ривожлантириш учун ниҳоятда қулай омил ҳисобланади.

Хоразм туризм минтақасининг салоҳияти асосан Хиванинг Ичан Қалъа қўриқхонасида жойлашган ва жаҳонда мисли йўқ, ниҳоятда бой тарихий - меъморчилик ёдгорликларига таянади. Фаолият кўрсатаётган туризм минтақалари билан бир қаторда яна истиқболли минтақалар мавжуд бўлиб,

улар Жиззах, Қарши – Термиз ва Ўрда–Қорақалпоқ минтақаларидир. Келажакда бу минтақалардаги мавжуд имкониятларнинг ривожлантирилиши, мамлакатимизда туризм хизматлари бозорини янада кенгайтишига олиб келади.

Хоразмда туристик хизматларнинг йўлга қўйилиши.

Хоразм вилоятида жуда кўп сонли тарихий ва маданий ёдгорликлар, меъморий обидалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос такрорланмас меъморий ечимларга эга, шу билан бирга улар жуда катта тарихий, ҳамда маънавий аҳамиятга ҳам эгадир.

Хоразм вилоятига охириги йилларда келаётган сайёҳларнинг таҳлили куйидагича:

2005 йилда вилоятга 38 минг 784 нафар туристлар ташриф буюрган;

2006 йилда 30 минг 747 нафар, шу жумладан 25 минг 524 нафар хорижлик туристлар ташриф буюрган;

2007 йилда бу кўрсаткич тегишилича 61 минг 819 ва 32 минг 22 нафарни ташкил этган;

2008 йилда эса ташриф буюрган туристлар сони 42 минг нафарга етган, ҳамда уларнинг 37 минг 378 нафари хорижлик туристлардир.

2009 йилда эса бу кўрсаткич 47 минг 739 нафарни ташкил этди.

Туризм соҳасида самарадорликка эришишда тегишли инфратузилмани барпо этиш муҳим аҳамият касб этади. Хоразм вилоятидаги “Урганч” халқаро аэропорти бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларидан ҳамма турдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятига эга. Кейинги уч йил давомида Австрия, Италия, Япония каби давлатлардан вилоятга йўлга қўйилган чартер рейслар орқали чет эллик туристларнинг келиши кўпаймоқда.

Туризмни янада ривожлантириш, айниқса, вилоятга чет эллик туристларни кўпроқ жалб этиш мақсадида Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти, хусусан унинг Самарқанддаги офиси, хорижий мамлакатлардаги туристик фирмалар, компаниялар, агентликлар билан ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Хива туманидаги Бизнес ва туризмни ривожлантириш марказининг туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорлик борасида амалга оширилаётган ишлари эътиборга моликдир. Мазкур марказ томонидан Япониянинг ЈСА агентлиги, ЮНЕСКО ташкилоти, Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури ҳамкорлигида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Туристларни жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида дунёнинг барча қитъаларидан туристлар кела бошлаган ва улар ҳозирда жаҳоннинг 70 дан зиёд мамлакатидан Хоразмга ташриф буюрмоқда.

2006 йилдан бошлаб хорижий ва маҳаллий туристларни Хоразм тарихи ва маданияти, санъати, урф-одатлари билан яқиндан таништириш мақсадида Хива шаҳрида “Қадимий Хоразм маданияти” халқаро фестивали ҳар йили ўтказилмоқда.

Кейинги йилларда вилоятда туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш масаласига ҳам эътибор қаратила бошланган. Жумладан, 2006 йилда Урганч шаҳрида туризм касб-ҳунар коллежи ишга туширилган бўлиб, мазкур ўқув юртида 1.100 нафарга яқин ўқувчи туристик хизматларнинг 8 та йўналиши бўйича таълим олмақда. 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб Урганч давлат университетида туризм йўналиши бўйича бакалавриат бўлими ташкил этилган ва унга 25 нафар талаба илк маротаба қабул қилинган.

Хоразм меъморий ва тарихий ёдгорликларидаги маршрутлар.

Ҳозирги кунда Хоразм вилоятдаги жами 208 та маданий мерос объектлари, шу жумладан 16 та археология, 124 та меъморчилик ёдгорликлари, 7 та ансамбль, 28 та диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳлар туристларни жалб қилишнинг асосий омили саналади.

Хоразм вилоятидаги ушбу тарихий ва маданий ёдгорликлар, меъморий обидалар ўзига хос такрорланмас меъморий ечимларга эга, шу билан бирга улар жуда катта тарихий, ҳамда маънавий аҳамиятга ҳам эгадир.

Археологик манбаларда маълум бўлишича эрамиздан олдинги IV аср бошларида Хоразмда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш билан бир қаторда, муқаддас жойлар ҳам вужудга келди. Бундай ёдгорликлардан биз Тўрткўл туманидаги Қўй қирилган қалъа, Шовот туманидаги Тупрок қалъа ва Туркменистон республикасининг Тошҳовуз вилоятидаги Говур-3 ни айтиш мумкин.

Илмий манбаларда «Хоразм» номининг ўзи, яъни маъноси “Қуёш ўлкаси”, “Қуёш макони”, Хоразмликларни эса «Қуёш юрти одамлари» деб тушунтирилган.

Милoddan олдинги IV эрамизнинг III асрларида Турон заминида, шу жумладан, Хоразм воҳасида бир қанча шаҳарлар қурилиши олиб борилиб, шаҳар маданияти раванқ топган. Абу Райхон Берунийнинг ёзишича: «Улар дарёнинг икки соҳили бўйлаб 300 дан зиёд шаҳар қурганлар, уларнинг харобалари ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда».

Ўрта (XII-XIII) асрларнинг энциклопедист-географи Якут 1219 йили Хоразм бўйлаб саёҳатда бўлган пайтида, қурилган шаҳарларни тасвирлаб: «Хазарасп жуда гўзал, атрофлари боғ, халқи бой яшайди», Хоразмнинг биринчи маркази Гурганч (Кўхна Урганч) ни «Жайхун дарёсининг соҳилида жойлашган, халқи кўп, катта ва гўзалдир, бундай қалъани ҳеч қаерда кўрмадим» деб ёзиб қолдирган.

Булар қаторига қабилалар маркази, қишлоқ хўжалик маркази, диний ибодатхона марказлари, яна бир босқич сиёсий давлат маркази ва муҳофаа марказ вазифасини бажарувчи қалъаларни киритишимиз мумкин. Тарихий манбаларда: - “агар қалъа қурдирмоқчи бўлсангиз унинг тўрт томонини қалин деворлар билан ўраб олинг. Бу деворларнинг катталиги отнинг бир чопиб ўтишдаги кенглигида бўлсин (650 - 800 м атрофида бўлиши мумкин)” деб ёзиб қолдирилган. Қалъалардан асосан душмандан ҳимояланиш ва шаҳар муҳофаасини таъминлаш мақсадида фойдаланилган.

Хоразмнинг кўп шаҳарлари тарихий ривожланишининг умумийлиги, бирлиги, об-ҳаво шароити яқинлиги меъморчиликнинг деярли бир хил тарзда бўлишига шароит яратган. Шунга қарамай Хива ўзига хос меъморчиликка эга бўлган. Булар қуйидаги классификацияга бўлинади:

1. Масжидлар;
2. Мадрасалар;
3. Турар жой бинолари.


Қуйида шу классификацияга кирувчи тубандаги меъморий ёдгорликларнинг қурилиш тарихи, конструкция ашёлари ва технологиялар ҳақида маълумотлар келтирамиз.

Хоразм вилоят ҳудудида жойлашган ҳамда давлат муҳофазасида бўлган тарихий, археологик ва маданий ёдгорликлар


№	Ёдгорликлар номи	Курилган вақти	Жойлашган ўрни	Республика, вилоят тасарруфида	Хомийликка олган ташкилот номи
1 “Ичон-Калъа” худудида жойлашган архитектура ва археологик ёдгорликлар рўйхати					
1	“Ичон-Калъа” девори	V-VI аср			
2	Боғча дарвоза	XIX- аср			
3	Полвон дарвоза	1804-06йй			
4	Тош дарвоза	1873 й			
5	Ота дарвоза	1842 (1975 й)			
6	Анушахон хаммоми	1675 й			
7	Кухна арк мажмуаси	1688 й			
а	Шарқий дарвоза				
б	Ак Шайх Бобо				
в	Кўриниш хона				
г	Харам хона				
д	Ёзги ва кишиги масжид				
8	Зиндон (қозихона)	XVIII-XIX аср			
9	Тош ховли саройи	1830-38 йй			
а	Харам хона				
б	Кўриниш хона				
в	Арз хона				
10	Аллокулихон сарой бозори (тим)	1835-38 йй			
11	Аллокулихон қарвон саройи	1832-33 йй			
12	Рус тузем мактаби	1910 й			
13	Ислом хужа мажмуаси	1908 й			
а	Мадраса				
б	Минора				
14	Хейвак кудуги	X аср			
15	Шерғозихон мадрасаси	1719-20 йй			
16	Мухаммад Амин инок мадрасаси	1785 й			
17	Қутлуг Мурод инок мадрасаси	1804-12 йй			
18	Хожанбердибой мадрасаси	1688-1834			
19	Аллокулихон мадрасаси	1834-35 йй			
20	Арабхон мадрасаси	1616 й			
21	Хужаш Марам мадрасаси	1839 й			
22	Мусо Тўра мадрасаси	1841 й			
23	Мухаммад Амин хон мадрасаси	1851 й			
24	Абдуллахон мадрасаси	1855 й			
25	Амир Тўра мадрасаси	1870 й			
26	Мухаммад Раҳимхон мадрасаси	1871 й			
27	Матниёз девонбеги мадрасаси	1871 й			
28	Яқуббой хўжа мадрасаси	1873 й			
29	Қорихона	1863 й			
30	Дўст Алам мадрасаси	1882 й		Республика	
31	Мозори Шариф мадрасаси	1882 й			
32	Отажонбой мадрасаси	1884 й			
33	Қози калон мадрасаси	1905 й			
34	Матпанабой мадрасаси	1905 й			
35	Юсиф Ясовул Боши мадрасаси	1906 й			
36	Абдурашул бой мадрасаси	1906 й			
37	Толиб Махсум мадрасаси	1910 й			

[illegible]

2005-2009 йилларда Хоразм вилоятидаги туристик хизмат кўрсатиш ҳолати (минг киши)



Хоразм вилоят ёдгорликлар харитаси



Хива туман ёдгорликлар харитаси

